

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.71(336.1)

РАББИМОВ АХМАДЖОН РАХИМҚУЛ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230702 «Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Ортиқов У.Д.

ТОШКЕНТ-2018

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. У.Д.Ортиқов

Кафедра мудири

и.ф.н., доц. З.А. Умаров

Мен, Раббимов Ахмаджон Рахимқул ўғли ушбу магистрлик диссертация ишини мустақил бажардим. Кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда магистрлик диссертация иши Якуний Давлат Аттестация Комиссияси раиси тақдимномасига асосан бекор қилиниши ва “Қониқарсиз” баҳо қўйилишидан хабардорман.

Раббимов А. _____ “__” _____ 2018 йил

		МУНДАРИЖА	БЕТ
	КИРИШ		3
I БОБ	ТИЖОРАТ	БАНКЛАРИНИНГ	МОЛИЯВИЙ

	ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ.....	9
1.1	Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва уни баҳолашнинг назарий асослари.....	9
1.2	Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг усуллари.....	21
1.3	Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашда хориж амалиёти.....	31
	I боб бўйича хулоса	40
II БОБ	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	42
2.1	Банк тизимининг жорий ҳолати ва унда ўрнатилган иқтисодий нормативлар асосида банк молиявий ҳолатини назорат қилиш.....	42
2.2	Тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари.....	51
2.3	Тижорат банклари молиявий ҳолати таҳлили	59
	II боб бўйича хулоса	68
III БОБ	ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	70
3.1	Ўзбекистон банк фаолиятида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ бўлган муаммолар	70
3.2	Ўзбекистон тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолашда хориж тажрибаларини қўллаш истикболлари.....	75
	III боб бўйича хулоса	80
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	82
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	86
	ИЛОВАЛАР	92

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали фаолият кўрсатувчи банк тизимини яратиш масаласи мамлакатимиз мустақиллигининг бирирнчи кунлариданок ҳукумат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди. Натижада, банк соҳасида ҳам катта ижобий ютуқларга эришилмоқда. Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида эса, ҳозирги кунга келиб, жаҳон андозаларига мос икки поғонали мустақил банк тизими тўлиқ шаклланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида қайд этилган.¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги вазифалар ва талаблар ўз аксини топган:

- 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асака банкнинг валютада шакллантирилган устав капиталини ушбу хорижий валюталарни сотиш йўли билан миллий валютада шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди;

- тижорат банкларини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш мақсадида, тижорат банкларининг:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлиги шаклланиши устидан назорат қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган нақд пулларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш вазифалари бекор қилинди;
- тижорат банклари фаолиятига умумэтироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш;
- банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажарилишини таъминлаш;
- Базель қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юкланди².

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб банк тизимини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирга келиб республикамызда банк тизими бозор инфратузилмасининг энг ривожланган бўғинларидан бирига айланиб улгурди. Айти вақтда тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши бутун иқтисодиётимизнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкларининг фаолияти кўп жиҳатдан уларнинг молиявий ҳолати ва унинг қай даражада таҳлил қилинганига боғлиқдир.

Ҳозирги даврда тижорат банклари ўз фаолиятларини қийин вазиятларда ташкиллаштиришга мажбур бўлиб қолишмоқда. Жаҳон иқтисодий ва сиёсий муҳиtida кутилмаган, бир-бирига зид ва инқирозли жараёнлар юзага келаётган бир пайтда кўплаб банклар ушбу жараёнларнинг марказида қолиб кетишмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, тижорат банклари махсус молиявий институт ҳисобланиб, улар асосан омонатчиларнинг маблағлари эвазига ўз фаолиятларини олиб боришади, шунинг учун ҳам улар ушбу маблағларга жавобгар ҳисобланишади. Future Business журналидаги мақолалардан бирида асосан депозит маблағлар ҳисобига фаолият юритадиган банклар ҳақида шундай фикл юритилган :“Депозитлар фондига таянадиган банклар молиявий инқирозга юз тутишга кўпроқ мойил бўлишади. Шу нуқтаи назардан Ислома банклари бошқа банкларга нисбатан барқарорроқ ҳисобланади, чунки улар икк турдаги, яъни талаб ва инвестицион депозитларни жалб қилишади. Талаб депозитлари бўйича Ислом банклари томонидан 100% захира шакллантирилади.”³ Бундан келиб чиқадиган бўлсак тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш ва инқирозга қарши тура олишини таъминлаш учун банкларнинг капиталлашувини янада ошириш зарур бўлади.

Барча омонатчилар учун ўз маблағларининг хавфсизлиги муҳим ҳисобланади, шундай экан омонатчилар ҳам банкка маблағини қўйишдан олдин банкнинг молиявий ҳолати ва унинг барқарорлиги билан қизиқиб кўришади. Тижорат банклари ҳам ўзининг молиявий ҳолатининг барқарорлигини доимий равишда баҳолаб уни таҳлил қилиб бориши тижорат банкининг келгусидаги равнақини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банкларинг ўз молиявий ҳолатини баҳолаш жараёни , тижорат банки учун унинг фаолиятини узликсизлигини ва самаралилигини кафолатлаш имконини беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти бўлиб, тижорат банклари молиявий ҳолати ва кўрсаткичлари ҳисобланади. Тадқиқот ишининг предмети тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

³ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2314721017301172> Efficiency and stability: A comparative study between islamic and conventional banks in GCC countries, Mohammad Dulal Miah, Helal Uddin, Future Business Journal, Volume 3, Issue 2, 2017, Pages 172-185,

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимиздаги тижорат банкларининг молиявий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу билан бир қаторда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг хорижий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги замонавий молиявий ҳолатни баҳолаш тизимини яратиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот ишининг вазифалари этиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банкларининг “молиявий ҳолатни баҳолаш” тушунчасининг асл моҳиятини аниқлаб олиш;
- тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган халқаро методикаларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш ;
- мамлакатимиздаги тижорат банкларининг жорий молиявий ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш;
- мамлакатимиздаги тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш методикасини такомиллаштириш ва замонавий тизимини жорий этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар бериш .

Илмий янгилиги:

- тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолашнинг асосий усуллари ва унинг хорижий амалиёти ўрганилган;
- тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативлар асосида таҳлил қилинган;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашда мавжуд бўлган муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар берилган;
- хориж тажрибаси асосида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш бўйича янги тизим ишлаб чиқилган ва ушбу тизим ёрдамида тижорат банкининг молиявий ҳолати баҳоланган;
- тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар берилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари фаолиятида молиявий ҳолатни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий–услубий асослари яхлит тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар банклар барқарорлигини ошишига ва тижорат банкларининг инқирозга юз тутиш эҳтимолининг камайишига хизмат қилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш мавзусини ўрганган хорижлик иқтисодчи олимларга О.И. Лаврушин, И.В. Ларионова, Г.С. Панова, Г.Г.Фетисов, Ю.Г. Вешкин, Г.Л. Авагян, Ю.А. Филиппова, Л.П. Гончаренко, О.Г. Королев, Л.В. Майорова, Г.С. Попова, И.Н. Сорокина⁴ ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин.

Иккинчи гуруҳ – Ўзбекистонлик олимлар бўлиб, улардан Т.М.Қоралиев, И.Ф. Сайфиддинов, Б.Т. Бердиёров, Ё.А. Махмудалиева, А.А. Омонов, Ш.З.Абдуллаева, О.Б. Саттаров, Ш.Т. Қоралиев, З.А. Холмахмадов, Т.И. Бобақулов⁵ ва бошқа олимларнинг ишларини эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, коэффициентларни ҳисоблаш, омилли таҳлил, таркибий таҳлил усуллари қўлланилди.

⁴ “Устойчивость банковской системы и развития банковской политики”. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 131-140., И.В.Ларионова Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – М.: Издательство Консалтбанкир, 2003. –С.46-49., Г.С. Панова Анализ финансового состояния коммерческого банка. – М.: М.: Дело и Сервис, 2006 год., Г.Г. Фетисов Устойчивость коммерческого банка и рейтинговые системы ее оценки. – М.: Финансы и статистика, 2009, Ю.Г. Вешкин, Г.Л. Авагян Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с., Ю.А. Филиппова Оценка финансового состояния банка. Вестник Уральского института экономики, управления и права №2 2016., Л.И. Гончаренко Анализ коммерческих банков. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 210с., О.Г. Королев Анализ финансовых результатов банковской деятельности. – М.: Кнорус, 2010., Л.В. Майорова Российская практика рейтингования надежности коммерческих банков // Современная экономика: проблемы, тенденции, перспективы. – 2011. - №4. –С. 35-40., Г.С. Попова Анализ финансового состояния коммерческого банка. М.: Финансы и статистика, 2010. – 271 с. , И.Н. Сорокина Методические подходы к оценке надежности и устойчивости банка. Отечественный методики оценки надежности банков. – Режим доступа : <http://bankir.ru/technology/article/4527895>.

⁵ Ш.З. Абдуллаева “Банк иши”. Тошкент. “Иқтисод-Молия” 2017 йил., Ш.З. Абдуллаева, А.А. Омонов “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш” IQTISOD-MOLIYA Тошкент-2006 йил., Ё.А. Махмудалиева Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2001. – 23 б., Б.Т. Бердияров Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б, Ш.З. Абдуллаева CAMELS-банк фаолиятини баҳолаш хизматида.// Бозор, пул ва кредит журналы, 2005 йил 4-сон 49-бет., Т.М. Каралиев , О.Б. Саттаров ва И.Ф. Сайфиддинов “Тижорат банклари фаолияти таҳлили” ўқув қўлланма. IQTISOD-MOLIYA Тошкент-2013 йил., О.Б. Саттаров Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2008.,Ш.Т. Қоралиев Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №2. 2003. -13-14 б., З.А. Холмахмадов Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналы №1, февраль, 2018 йил., Т.И. Бобақулов Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашнинг долзарб масалалари. . “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналы №1, февраль, 2018 йил.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан банкларнинг молиявий ҳолатни баҳолаш ва бу соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этишда тижорат банкларида молиявий ҳолатни барқарорлаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Банк иши” ва “Банк фаолияти таҳлили” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги ёритиб ўтилган ва тадқиқот ишининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олинган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг назарий асослари, молиявий ҳолатни баҳолаш усуллари ва банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг хориж тажрибаси ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида банк тизимининг жорий молиявий ҳолати, молиявий кўрсаткичлар ва молиявий таҳлил масалалари ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ бўлган муаммолар ва хориж тажрибасини мамлакатимиз банк тизимида қўллаш истиқболлари кўриб ўтилган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида мавзунинг ўрганиш жараёнида изланишлардан келиб чиқиб билдирилган хулосалар ва таклифлар ўз ифодасини топган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва уни баҳолашнинг назарий асослари

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида мамлакатимиздаги банк тизимининг ўрни катта. Банк тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири тижорат банклари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бу тижорат банкларининг молиявий инқироз, унинг таъсири ва салбий оқибатлари юзага келиши мумкин бўлган ҳолатда ундан чиқиш йўллари излашдан иборот. Шу ўринда биринчи Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатига сабаблардан бири сифатида жаҳонда банклар устидан назоратнинг сустлашиб қолганлигини қуйидагича изоҳлаганлар: “Авж, олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни пайтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган , кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.”⁶

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози содир бўлганидан кейинги даврда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш банклар устидан назорат қилишнинг бир усули бўлиб қаралмоқда ва унга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бир қанча давлатлар иқтисодий барқарорлигига, айниқса, молия-кредит муассасалари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Банкларнинг инқирозга юз тутиши кўплаб давлатларда учрамоқда.

⁶ И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози , Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралири» Ўзбекистон , 2009 йил. 5 бет.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банк тизимининг нобарқарорлик ҳолати, айниқса, кўп учрамоқда. Халқаро банклар фаолиятига интеграллаша бориб, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиб, иқтисодий нобарқарорлик туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Глобаллашув жараёни юз бераётган шароитда ушбу мамлакатларнинг тажрибалари етишмаслиги, номуносиб интеграция ўзи билан бирга молиявий-иқтисодий инқироз хавфини ҳам солмоқда.

Тижорат банклари давлатимиз иқтисодиётининг юраги бўлгани боис, унинг соғлом бўлиши давлатимиз истиқболини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам банларимиз устидан доимий назоратни олиб бориш, унинг молиявий ҳолатини баҳолаб бориш, ҳамда молиявий барқарор даражасини таъминлаб бериш ҳозирда мамлакатимиз банк тизимининг олдида турган вазифалардан биридир.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш – банкларнинг барқарорлиги ва ишончилигини тасдиқловчи, ҳамда келажакда банк учун тузатиб бўлмас йўқотишларни келтириб чиқарувчи хавфларни аниқлаш ва олдини олишни таъминловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг аниқлиги тижорат банкларининг келгусидаги фаолияти истиқболларини белгилаб беради.

Банк тизимида молиявий ишончилик ва барқарорликни таъминлаш муаммоси фақатгина бизнинг мамлакатимизга тегишли муаммо бўлиб ҳисобланмайди. Бу муаммо охирги 12 йил ичида актуал муаммолардан бири ҳисобланади. Халқаро Валюта Фондининг тадқиқотларига кўра ушбу давр ичида ХВФ га аъзо давлатларнинг деярли 2/3 қисми, банк соҳасидаги иқтисодий қийинчиликларга учрашган.⁷ АҚШ нинг кредит тизимидаги инқирози банк соҳасидаги охирги йилларда содир бўлган энг йирик муаммолардан бири сифатида қаралиши мумкин. Бу каби банк инқирозлари, банк соҳасининг молиявий ишончилиги ва барқарорлиги қай даражада

⁷ www.imf.org Халқаро Валюта Фондининг 2017 йил ҳисоботи.

мамлакат макроиктисодий барқарорлигида муҳим рол ўйнашини исботлади.

Банклар барқарорлиги - бу банк бозорида, рақобат шароитида уларнинг яшовчанлигини ўзига хос белгисигина эмас, шу билан бирга, тижорат банкларининг ривожланиш стратегияси ҳамдир. Албатга ҳозирги шароитда тижорат банклари узоқни кўра билган ҳолда ўз фаолиятининг ўрта муддатларга мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кайд этилган ҳолатлар республикамизда банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш масаласини долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Эътироф этиш ўринлики, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш кўп омилли жараён ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир омилнинг банк тизимининг барқарорлигига таъсир даражасини ва ушбу таъсирнинг ўзгаришини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Банк тизимининг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, молиявий инновацияларнинг қай даражада банк тизимига татбиқ этилганлиги ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, фоиз ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. АҚШда, 1950 йилларда уч ойлик хазина векселлари фоиз ставкаларининг тебраниши 1,0 фоиздан 3,5 фоизгача диапазонда, 1970-йилларда – 4,0 фоиздан 11,5 фоизгача, 1980-йилларда 5,0 фоиздан 15,0 фоизгача бўлган диапазонни ташкил этди. Фоиз ставкаларининг бу қадар кучли тебраниши капитал қийматининг сезиларли даражада ошишига ёки камайишига олиб келди, инвестицияларнинг қайтиши борасидаги ноаниқлик кучайди.⁸

Шунингдек, иқтисодчи олимлар томонидан банк тизимининг

⁸ Ф.С. Мишкин Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013 год. – С.295.

барқарорлигини таъминлашнинг қуйидаги йўллариининг мавжудлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган:

- банк тизимидаги тизимли рискларни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- молиявий барқарорликнинг сифат ва миқдорий индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тизимли рискларни сценарийли моделлаштиришдан фойдаланиш;
- тижорат банкларини стресс-тестлаш амалиётини ривожлантириш.⁹

Банклар ягона иқтисодий организмнинг бир қисми, иқтисодиётнинг энг муҳим ажралмас тизимларидан биридир. Банклар ва иқтисодиётнинг молиявий аҳволи яхлит ҳолда иккита бир-бири билан боғлиқ ўзаро туташиб кетган томирларидир. Уларнинг ҳар бирида иш қандай кетаётгани нафақат уларнинг ривожланиши, балки бутун жамият муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ бўлади.

Маълумки, банкларнинг самарали ривожланиши инвестицион фаолликка ва яхлит ҳолда иқтисодий ўсишга ҳам таъсир қилади.

Бошқа томондан, банклар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг ҳолатига ва, айниқса, унинг ишлаб чиқариш секторига боғлиқ, чунки инвестицион фаолликнинг инқирози шароитида банклар фаолиятининг асосий оғирлик маркази юқори рискли спекулятив операциялар ўтказиш томонига оғиб кетади.

Бирор бир йирик банкнинг банкротликка учраши, барча банк тизими элементлари барбод бўлишига олиб келишини гапирмаганда ҳам, мамлакат иқтисодиёти ёки мамлакатлар гуруҳи (масалан, Европа ҳамжамияти) иқтисодиётида чуқур асорат қолдиради. Банк тизими барча хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий муносабатларини бевосита ифодаловчи марказдир. Унда ижтимоий-иқтисодий вазиятни белгилаш хусусиятига эга улкан потенциал мавжуд.

⁹ Устойчивость банковской системы и развития банковской политики. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016 год. – С. 131-140

Бундан ташқари, банклар ликвидлик марказлари ҳисобланишини ҳам унутмаслик керак. Шу билан бирга банклар нафақат ликвидлик марказлари, балки молиявий хизматлар марказлари ҳамдир. Улар капитални қайта тақсимлаш, мол-мулк ва пул маблағларини бошқариш бўйича салмоқли ишларни бажаради. Банклар фаоллигининг пасайиши банк маҳсулотларининг қисқаришига олиб келади, хўжаликларнинг моддий бойликлар ишлаб чиқариш имкониятлари чегараланади. Шунинг учун ривожланишга, ўз фаолияти самарадорлигини оширишга интилаётган жамият банк тизими ривожланишига, тижорат банклари барқарорлиги, мустаҳкамлиги ва ишончлигига сўзсиз эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Тижорат банкларини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва улар асосида банкни молиявий баҳолаш бизга банкнинг барқарор ёки нобарқарор эканлигини келтириб беради.

Банк тизими барқарорлигини методологик жиҳатдан қуйидаги йўналишлар билан биргаликда қараш лозим:

- мамлакат иқтисодий барқарорлиги билан яхлитликда. Бунда кўпгина ривожланган давлатларда банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш методологияси шуни кўрсатадики, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминланган давлатлардагина банк тизими барқарорлиги тўғрисида гапириш мумкин.¹⁰ Бу эса мамлакат ЯИМ ўзгариш динамикаси, давлат бюджети, тўлов баланси, инфляция даражаси, валюта курси, кредит ва депозитлар фоиз ставкалари билан боғликлигини кўрсатади;

- алоҳида олинган тижорат банки барқарорлигини таъминлаш банк тизимининг ўзаро алоқасига боғлиқ. Тизимдаги мавжуд алоҳида олинган тижорат банклари барқарор бўлса, банк тизими барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик - бу банк тизими ва унинг бўғинидан олинган алоҳида банкнинг макроиқтисодий тавсифидир.

Тижорат банклари молиявий ҳолати барқарорлиги банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги банк амалга ошираётган

¹⁰ О.И. Лаврушин, Г.Г. Фетисов и др. Банковское дело. - М.: Кнорус, 2018 йил. - С. 800.

актив фаолиятда ҳамда операциялар миқдорида билинади. Банк ресурслари актив операциялар орқали иқтисодиётга жойлаштирилган миқдоридан даромад шаклланади. Банк ресурслари қанча кўп бўлса, даромади ҳам кўпаяди.

Тижорат банклари молиявий ҳолатининг барқарорлигини бир неча молиявий кўрсаткичлар белгилаб беради. Уларга қуйидагилар киради:

- капитал етарлилиги;
- активлар сифати;
- рентабеллик;
- ликвидлилик ;
- рискларни бошқариш сифати даражаси;
- бошқарув сифати.

Юқорида санаб ўтган молиявий кўрсаткичларимиз белгиланган нормалар чегарасида бўлса, тижорат банки молиявий барқарор ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар ичида ликвидлик кўрсаткичи алоҳида еътиборга лойиқ кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, айтиб ўтганимиздек тижорат банклари ўз фаолиятини қарз маблағлари евазига олиб боради, шунинг учун ҳам ўз ликвидлигини меъёрда ушлаб туриш уларнинг келгуси истиқболида муҳим рол ўйнайди. Юқоридаги кўрсаткичларнинг ҳаммаси ҳам банк молиявий аҳволини баҳолашда муҳим аҳамият касб этишади, аммо ликвидлик кўрсаткичи халқаро миқёсда ҳам долзарб масала бўлганлиги боис ушбу кўрсаткичнинг тижорат банклари молиявий аҳволидаги ўрнини чуқурроқ ўрганишни талаб қилди.

Банк ликвидлиги – бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича миждозларнинг талаблариня ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндисидир.

Ликвидликни самарали бошқариш қуйидаги омиллар билан таъминланади:

- банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги;

- банк ликвидлилик ҳолатининг мониторинги вазифалари юкланган таркибий бўлинманинг мавжудлиги;

- маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пассив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги.

Тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси уларнинг нуфузини кўрсатиб, банклар учун энг муҳим капитал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банклар ликвидлилик даражасини оқилона даражада ушлаб, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга ҳаракат қиладилар. Акс ҳолда мижозларнинг банкларга бўлган ишончи йўқолиб, улар билан ҳар қандай алоқани узишга ҳаракат қилади. Бундай банклардан депозит эгалари ўзларининг маблағларини олиб чиқиб кета бошланади, уларнинг банклараро бозордан маблағ жалб қилиши ва акцияларини жойлаштириши қийинлашади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда банклар ликвидлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда Марказий банклар муҳим роль ўйнайди. Улар ўзларининг монетар воситалари орқали банкларнинг ликвидлигини оширади, тижорат банклари учун ликвидлилик меъёрларини белгилайди ва уни бажариши устидан мониторингини ўрнатади.

Банк ликвидлигини бошқариш назарияси унинг шаклланиши билан бир пайтнинг ўзида пайдо бўлган. Бу назариянинг мақсади – тижорат банклари фаолиятининг ривожланишидаги асосий йўналишларни белгилаб беради. Банк ликвидлигини мақсадга мувофиқ бошқариш учун банк активлари билан пассивларини бошқариш назариясига диққат эътиборни қаратмоқ лозим.

Дж.Ф.Синки банк ликвидлигини бошқаришнинг зарурлигини ўз тадқиқотлари натижасида қуйидагича аниқлади: «Ликвидликка эга бўлиш учун банк рискка чап беришда устун туриши, ўзининг қарзларини қоплашда «хавфсиз» бўлиши, даромад келтирмайдиган активлардан холос бўлиши, банк ўзининг мажбуриятларини сотиб олиши ва уларни активларга

жойлаштириш орқали кредитларни ажратишга имкон яратиши, маблағларни жалб қилишда рискни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантиришларни чеклаши, сўнгги инстанцияларда ҳам кредиторнинг имтиёзларидан фойдаланишдан холи бўлиш лозим»¹¹. Банк фаолиятининг барқарорлиги унинг ликвидлилиги, тўловга қобилиятлилиги ва даромадлилигининг объектив ҳамда якуний шарти эканлиги маълум. Аммо банк ўзининг ликвидлигини таъминлай олмаган ҳолларда тўловга қобилиятсиз бўлади ва банкротликка учрайди. Мухтасар айтганда, банкнинг ликвидлилигини бошқариш масаласи долзарб аҳамиятга эга ва у жаҳон банк амалиётида асосий поғоналардан бирини эгаллайди.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг тарихий ривожланиш босқичида иккита назарий ёндошув мавжуд. Биринчи назарий ёндошувда «муддатлар бўйича банк активларининг таркиби пассивларнинг таркибига мувофиқ келиш зарур»лиги эътироф этилган. Бу назарий ёндошув асосида банкнинг «олтин қондаси» яратилган бўлиб, унда «муддат бўйича молиявий ресурсга бўлган талабнинг миқдори муддат бўйича мажбуриятларнинг миқдorigа мувофиқ келиши зарур» дейилган. Тижорат банкининг асосий вазифаларидан бири актив операцияларнинг рискни минимумга келтириш ва муайян муддатга жойлаштирилган активларнинг тўлиқ қайтарилишига кафолат бериши, банк ўзининг мажбуриятларини бажаришда нақд пул шаклдаги маблағлари билан таъминлашига масъулдир. Иккинчи назарий ёндошувда банк активларининг таркиби билан пассивлари таркибининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги эътироф этилган. Айрим молиявий барқарор банклар доимо юзага келадиган молиявий-иқтисодий инқироздан, ссудалар бўйича нотўловликдан, банкрот бўлиб қолишдан, қимматли қоғозлар ва бозор муносабатларида номувофиқликнинг юзага келишидан, ссуда капитали ва пул маблағлари бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариш жараёнларидан ҳимояланмаган.

¹¹ Дж.Ф. Синки «Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг» пер. с англ. Отдельное издание, 2017 год .- С.1018

Банк ликвидлигини бошқаришнинг тарихий ривожланиши ва унинг ликвидлигини мустаҳкамлашда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг эволюцион ўзгариши ва жаҳон банк амалиётининг такомиллашуви банк активларини бошқариш назарияси билан пассивларини бошқариш назариясини келгусида такомиллаштиришга зарурият яратади. Шу сабабли банк ликвидлигини бошқариш назариясининг тадқиқотчилари Э.Рид, Р.Коттер, П.Роуз, Дж.Ф.Синки, В.А.Пономарев, А.Н.Трифонов, Э.Н.Василишенлар ҳисобланади. Фикримизча, жаҳон банк амалиётида П.Роуз, Дж.Синки, Э.Рид ва Р.Коттерлар¹² ушбу масала бўйича батафсил тадқиқот олиб борган.

Республикамизда тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда Марказий банк муҳим роль ўйнайди, бунинг ҳуқуқий асослари яратилган. Мамлакатимизнинг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг IV-бобида Марказий банкнинг барча пул-кредит операциялари, жумладан, монетар воситаларнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 25-моддасида Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари қайд этилган бўлиб, у давлатнинг қимматли қоғозлари, шунингдек, ўзи чиқарган қарз мажбуриятларини харид қилиши ва очик бозорда сотиши мумкин. Маълумки, кўпчилик қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатларда ушбу монетар воситадан тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда фаол фойдаланилади. Аммо бизнинг республикамизда қимматли қоғозлар етарли даражада ривожланмагани, муомалада ликвидли қимматли қоғозлар ҳажми камлиги сабабли мазкур воситадан фойланилмаяпти.

Республикамиз давлат бюджети 2005 йилдан бошлаб профицит билан бажарилаётганлиги сабабли 2013 йилдан бошлаб давлат қимматли

¹² Дж. Синки “Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг” пер. с англ. Отдельное издание, 2017 год. - С.1018., Э.Рид, Р.Коттер, Э.Гилл, Р.Смит Коммерческие банки. М.: «Космополис», 1991, В.Е. Черкасов «Финансовый анализ в коммерческих банках».М 2005г.С320. , Питер Роуз С. Банковский менеджмент: Пер. с англ. – М.: Дело,1997. – С.323 ,А.В. Буздалин Факторы оптимальной ликвидности // Банковское дело. - №3.2006 г –С. 39.,А.Н.Трифонов Ликвидность банка./Банковское дело,2006, Пономарев В.А. Государственно-монополистическое регулирование деятельности банков: Границы и противоречия. М.: Финансы и статистика, 1987. 207 с., Э.Н.Василишен Регулирование деятельности коммерческого банка. М.: АО Финстатинформ. 1995.

қоғозларини эмиссия қилиш бутунлай тўхтатилди. Бундай ҳолат Марказий банкнинг очик бозор операцияларини ривожлантиришга ҳамда тижорат банкларининг ликвидлилигини самарали бошқаришга салбий таъсир қилади.

Қонуннинг 28-моддасида мажбурий резерв талаблари бўйича умумий талаблар белгиланган. Хусусан, Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдори Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мажбурий резервларнинг миқдорлари жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилдир.

Жорий йилнинг апрель ойида Марказий банк Бошқаруви пул-кредит сиёсати инструментларининг самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий захиралари бўйича янги тартибни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра 2018 йил 1 июнидан бошлаб, мажбурий захираларни ўтказиш бўйича қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

- тижорат банклари томонидан мажбурий резервларнинг шакллантирилиши, жалб қилинган мажбурият ва депозитлар валютасидан келиб чиқиб, мос равишда миллий ва хорижий валютада амалга оширилиши белгиланди;

- мажбурий резервга тортиладиган базага жисмоний шахслар депозитлари ҳам киритилди;

- мажбурий резервлар миқдorigа нисбатан 0,1 ўртачалаш коэффициенти ўрнатилди.¹³

Қуйидаги 1.1 – жадвалда янги қарор бўйича ўрнатилган мажбурий захира меъёрлари келтириб ўтилган.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида” ги Низом, 2018 йил. 31 март 12/8 - сонли қарорига илова.

Мажбурий резервлар меъёрлари¹⁴

Мажбурият тури	Янги нормативлар (2018 йил 1 июндан бошлаб кучга киради)		Маълумот учун: амалдаги нормативлар	
	Муддати	Нормативлар (фоизда)	Муддати	Нормативлар (фоизда)
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	3 йилдан ортиқ	10,5
			2 йилдан 3 йилгача	12
	1 йилдан 2 йилгача	7	1 йилдан 2 йилгача	12
	бошқа депозитлар	14	бошқа депозитлар	15
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	3 йилдан ортиқ	10,5
			2 йилдан 3 йилгача	12
	1 йилдан 2 йилгача	8	1 йилдан 3 йилгача	12
	бошқа депозитлар	16	бошқа депозитлар	15
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	2	1 йилдан 2 йилгача	0
	бошқа депозитлар	4	бошқа депозитлар	0
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	2 йилдан ортиқ	0	2 йилдан ортиқ	0
	1 йилдан 2 йилгача	3	1 йилдан 2 йилгача	0
	бошқа депозитлар	6	бошқа депозитлар	0

Марказий банк мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги уни бошқа Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари билан таққослаганда яққол намоён бўлади:

- Россия Марказий банки – 5,6%;
- Европа Марказий банки – 2,0%.¹⁵

¹⁴ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁵ Денежно-кредитная политика. www.cbr.ru Monetary Policy. www.ecb.eu

Шунингдек, қонуннинг 30-моддасида Марказий банкнинг тижорат банкларини қайта молиявий таъминлаши кўрсатилган. Аммо монетар сиёсатнинг ушбу воситаси ҳам республикамизда яхши ишлатилмаяпти. Ваҳоланки, хорижий давлатларда қайта молиялаш ставкаси тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда муҳим монетар восита ҳисобланади.

Қонуннинг 52-моддасига кўра, Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, хусусан, ликвидлилик коэффицентлари даражаларини ўрнатади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига кўра, банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари лозим. Шунингдек, ушбу қонуннинг 39-моддасига кўра, банклар маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ликвидлилик тушушчасини таҳлил қилиш натижасида ушбу кўрсаткичнинг тижорат банки молиявий ҳолатининг барқарорлигида муҳим эканлигини кўриб чиқдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, банк тизими барқарорлиги масаласи бугунги, кунда инқироз туфайли вужудга келган тушунча эмас. Балки асрлар оша баҳолаш мезони ўзгариб, такомиллашиб келаётган тушунчадир. Шунингдек, банк тизими барқарорлигини баҳолашнинг ягона кўрсаткичлари ҳанузгача ишлаб чиқилмаганлиги ва барча мамлакатлар Марказий банкларининг мустақил кўрсаткичлари орқали банклар фаолияти баҳоланиб келинаётганлиги ушбу масалада бир талай долзарб ишлар қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

1.2. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг усуллари

Мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар банкларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириб, уларнинг тобора мустаҳкам капитал базасига эга бўлаётганини тасдиқламоқда.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 152,13 фоизга ошиб, 23,7 трлн. сўмни ташкил этди.¹⁶ Албатта бу каби ижобий натижалар банк тизимимизда бўлаётган ўсишни кўрсатиб беради. Шунга қарамасдан бу кўрсаткичлар фақатгина молиявий коэффициентлар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, банкларимизнинг аслида қандай иқтисодий самарадорлик кўрсаткичига эга эканлигини аниқлаш учун ягона бир тизимнинг ҳамон мавжуд эмаслиги банкларимизни тўлиқлигича баҳолай олмаслигимизни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз банк тизимида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш муҳим масалалардан бири бўлиб, бунга асосий сабаб тижорат банкларнинг актив операцияларга йўналтирадиган маблағларининг асосий базаси бўлиб жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилинган маблағлар хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам банкларнинг улар олдидаги маъсулияти катта бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг қайтишини таъминлаш банклар зиммасига юклатилган ва ушбу мажбуриятларни бажарилишини назорат қилиш, ҳамда улар бўйича талабларни ишлаб чиқиш Марказий Банкнинг функцияларидан бири ҳисобланади. Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва уни баҳолаш нафақат миқдорлар учун, балки банк учун ҳам муҳим ҳисобланади. Тижорат банклари ўз молиявий ҳолатини билиши, банклар фаолиятининг узлуксизлиги ва самарадорлигини кафолатлайди.

¹⁶ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги чораклик бюллетени №50, 2018 йил, Февраль, - б-10.

Ҳар бир банк учун ўзининг молиявий ҳолатини баҳолаш жараёни якунида банкнинг ҳозирда қандай аҳволда эканлигини билиш асосий мақсад ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун, яъни тижорат банкининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун ҳозирда турли хил методикалар мавжуддир.

Методикаларнинг кўплигига қарамасдан, тижорат банклари авваламбор Марказий банк томонидан қўйилган талабларга биринчи навбатда риоя этишлари керак бўлади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида” ги қонунида Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири сифатида Тижорат банклари устидан назорат ва тартибга солиш белгилаб қўйилган. Ушбу функцияни бажариш учун Марказий банк турли хил меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади ва улар орқали тижорат банкларининг фаолиятини чегарага солиб туради. Агарда Марказий банк томонидан белгиланган меъёрлар бузилса, тижорат банки жазоланиши ёки умуман лицензияси чақириб олинishi мумкин.

Шу каби меъёрий ҳужжатлардан бири сифатида 2015 йил 6 июлда 2693 сони билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги низомини кўришимиз мумкин. Ушбу низомга кўра 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100.0 млрд сўмни ташкил этиши лозим. Бунгача биламизки, ушбу кўрсаткич акциядорлик тижорат банклари учун 10 млн евро ва хусусий банклар учун 5 млн еврони ташкил этар эди.¹⁷

Юқоридаги низомда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим бўлган кўрсаткичлар, яъни капитал етарлилигини ҳисоблашда фойдали бўлган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларнинг минимал қийматлари келтириб ўтилган.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми 2015 йил, 6 июль

суммаси (ТАУС) чегирмалар ажратилган ҳолда таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

2015 йил 1 сентябридан бошлаб таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий миқдори (ТАУС) қуйидаги тарзда ҳисобланади:

ТАУС = Чегирмалар чиқарилган таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар суммаси + Операцион таваккалчиликлар суммаси (ОТ) + Бозор таваккалчиликлари суммаси (БТ);

ОТ = $(100 / \text{белгиланган } K1 \text{ нинг энг кичик даражаси}) \times (\text{Банкнинг охириги уч йилдаги ялпи даромадининг ўртача суммаси } \times 15 \text{ фоиз})$;

Ялпи даромад = (фоизли даромадлар — фоизли харажатлар) + бошқа даромадлар.

Агар ялпи даромад қайсидир йилда нолга тенг ёки салбий кўринишда бўлганда, ўртача кўрсаткични ҳисоблашда у махраждан ва суратдан чиқариб ташланиши лозим.

БТ = $(100 / \text{белгиланган } K1 \text{ нинг энг кичик даражаси}) \times (\text{Очиқ валюта позицияларининг жами миқдори } \times 10 \text{ фоиз})$.

Очиқ валюта позицияларининг умумий суммасини ҳисоблашда хорижий валюталарнинг умумий узун ёки умумий қисқа кўрсаткичлари йиғиндисининг мутлоқ кўрсаткичининг энг каттаси олинади.

Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти $K1$ қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / \text{ТАУС}. \quad (1.1)$$

2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда $K1$ нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий кийинчилик давларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.

I даражали капиталнинг монандлик коэффиценти $K2 = I$ даражали капитал/ТАУС сифатида аниқланади.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва Базель 3 меъёрларига мувофиқ $K2$ коэффиценти 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

1.2 - жадвал

Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар¹⁸

Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%)			
Талаб кучга кириш санаси	Регулятив капиталга, (K1)	I даражали капиталга, (K2)	I даражали асосий капиталга
01.01.2017	12,5	9,5	7,5
01.01.2019	13	10	8

$K3 = I$ даражали капитал / (Умумий активлар+мазкур Низомнинг 5 ва 6-боблардаги активлар — Номоддий активлар). Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 фоиз)га тенг.

Левераж коэффицентини ҳисоблашда келгусида баланс активларида акс этиши эҳтимоли бўлган банк балансининг «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги активлар ҳам ҳисобга олинади. Буларга капитални монандлигини ҳисоблашда қўлланиладиган активлар кирази.

Балансдан ташқари активлар леверажнинг асосий манбаси ҳисобланади. Шунинг учун банклар левераж коэффицентини ҳисоблашда


¹⁸ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йил. 23 сентябрдаги 26/7 сонли Қарори.

юқорида қайд этилган балансдан ташқари активларни, кредитнинг қайта ҳисоблаш омилини (100 фоиз) қўллаган ҳолда, қуйидаги икки ҳолатдан ташқари, ҳисоблашлари лозим:

- хосилавий (дереватив) операциялар капитал монандлигини ҳисоблашда фойдаланиладиган «таваккалчиликка дастлабки мойиллик»ка мувофик ўтказилиши;

- банк ҳар доим ўзи томонидан сўзсиз бекор қиладиган барча мажбуриятлар учун 10 фоизлик кредитнинг қайта ҳисоблаш омилини қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ҳолати Марказий Банк томонидан молиявий коэффицентларга қўйилган талаблари асосида баҳоланади. Бу метод банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш методларининг бир синфи бўлиб, у ўзининг ўрганадиган соҳаси, яъни банк бухгалтерия ҳисоботлари асосидаги молиявий ҳолатнигина баҳолаб беради.



1.1-расм. Тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолашнинг классификацияси¹⁹

Банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг яна бир неча бошқа инструментлари (рейтинг тизимлар, бозор модели, статистик модел ва

¹⁹ Т.В.Васильева «Оценка финансового состояния кредитной организации (на примере ОАО «Сбербанк» России)» Санкт-Петербург 2013 йил

имитацион модел) лар бўлиб, уларнинг банк молиявий ҳолатига берадиган баҳоси ўзида банкнинг бошқа хусусиятларини акс эттиради.

Юқорида кўриб чиқган классификациямиздан шуни хулоса қилиш мумкинки, тижорат банкни молиявий ҳолатини баҳолашнинг айнан бир методи белгилаб қўйилмаган. Уни аниқлашнинг турли хил методлари мавжуд бўлиб уларнинг ҳаммасини мақсади битта аммо ҳисоблаш усуллари ва уларнинг натижасининг аниқлик ва сифат даражалари турлича. Халқаро амалиётда ҳозирда банклар ўз молиявий ҳолатини баҳолашни рейтинг агентликларига ишонишади. Чунки рейтинг агентликлари ўзларининг баҳолаш тизимига ега бўлиб улар тарафидан бериладиган рейтинг жаҳон миқёсида тан олинади, бу эса тижорат банклари учун ўзининг ишончлилигини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш учун яхши имкониятдир.

Олдин ҳам айтиб ўтганимиздек тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолашда авваламбор Марказий банк нормативларига қаралади, аммо уларнинг ўзигина тижорат банкнинг реал молиявий аҳволини бизга кўрсатиб бера олмайди. Шунинг учун ҳам замонавий рейтинг агентликларининг баҳолаш усулларида фойдалансак жуда ҳам самарали бўлган бўлар еди. Бунга асосий сабаблардан бири Марказий банкимиз томонидан банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш методологиясининг ескириб қолгани бўлса, иккинчидан хориж тажрибасидир. Охирги марта юз берган инқироз биламизки, айнан банк тизимида юзага келган. Ушбу инқирознинг асосий сабабларидан бири ҳам тижорат банкларининг молиявий потенциалининг хато баҳолангани бўлиб, унда тижорат банкларининг қимматли қўғозларига жуда юқори рейтинг берилган, аммо бахтга қарши бу рейтинг аслида хато бўлган. Кўриб турганингиздек, биргина хато баҳо қанчалик даражадаги муаммоларга олиб келишиш мумкин.

Бугунги кунда жаҳон молиявий инқирози давом этаётган пайтда банк тизимини назоратини олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бу эса банк тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштириш

зарурлигини белгилаб беради. Шунинг учун банкларни рейтинг тизими асосида баҳолаш, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш индикаторини назорат қилиш таклиф ва тавсиялар бериш муҳим саналади. Шунинг учун банк фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг назарий асосларини чуқур таҳлил этиш ва унинг мазмун моҳиятини амалиётга олиб кириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Рейтингни анъанавий бўлмаган иқтисодий индикаторлар жумласига киритиш мумкин. Бу индикатор корхонани бошқа корхоналар орасидаги ўрни (мавқеи, даражаси)ни белгилашгина эмас, балки саноат ва унинг тармоқларини ривожлантириш мониторингини амалга оширишга ҳам имкон беради». Албатта, бу фикрга қўшилган ҳолда - рейтинг иқтисодий индикатор ҳамда ривожланиш мониторинги билан бир қаторда корхона ва ташкилотларни иқтисодий ахборот вазифасини ҳам бажаради.

Биз рейтинг кўрсаткичларининг банклар тизимидаги аҳамиятига тўхталамиз. Ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борган олимлар турлича ёндошувларга асосланганлар. Жумладан, "Банк рейтинги - молиявий кўрсаткичлар асосидаги банк баланси маълумотларига ва унинг фаолияти тизимида белгиланган. Бу таъриф бизнингча, тор маънони ифода этган. Кейинги тадқиқотчи банк рейтинги - бу банк балансидаги маълумотларнинг тўғрилигини ифода этувчи, банк фаолиятининг имкониятларини ёритиб берувчи ҳамда бозор иқтисодиёти фаолиятида тўтган ўрнини белгилаб, у ҳақда ахборот етказувчи индикатордир. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизимида асосида баҳолашда асосий эътибор қаратадиган муҳим кўрсаткичлар уларнинг баланс маълумотлари ҳисобланади.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар бор. Лекин, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд.

1.Тартиблаш (рақамлаш) усули. Банк молиявий фаолиятининг кўрсаткичи муҳим хулоса тузилишлари билан биргаликда олиб борилиши ва аниқланган ҳар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг жойларини белгилаш. Бу

усулнинг камчилиги, рақамлаш тизими технологиясига мувофиқ белгиланган омиллар усулида банк молиявий фаолиятининг жараёни аниқ акс этмаган.

2. Балл усули. Банк рейтингини аниқлашда энг қийин методика ҳисобланади. Чунки, банкни иқтисодий фаолиятида аниқланиб тўпланган ҳар бир кўрсаткичлар ҳолати баллда ифодаланиши талаб этилади. Бу тўпланган (ёки йиғилган) балл кўрсаткичлари банкни у ёки бу гуруҳга мувофиқлигини аниқлаб беради.

3. Индекс усули. Дунё банк амалиётида кенг қўлланиладиган усул бўлиб, уни қўллашда банкнинг ҳар бир алоҳида кўрсаткичлар бўйича индексини ҳисоблаш йўли билан белгиланади. Индекс ҳисоблашдаги баъзи маълумотлар яъни, бир неча йиллар ҳисобида ўртачасини ҳам мазмунан ҳисобга олиш мумкин.

Асосий мақсад банкларнинг фаолият кўрсаткичларини баҳолашдир. Буларга банк капиталининг базаси, активлар жойлашишининг унуми, даромадлилиги ва ликвидлилиги ҳамда банк менежментининг аҳамияти аниқланади. Рейтинг — статистик маълумотларга таянмаган ҳолда, кўрсаткичларни хатарли ҳолатлари билан аниқ томонларини ўрганишни талаб этади.

Банкнинг рейтинги махсус банк ишига ихтисослашган рейтинг агентлиги томонидан белгиланади. Бунда иш юритувчи банк муассасаси рейтинг агентлиги билан келишган шартнома асосида иш олиб бориб, банкнинг салбий томонларини ҳимоя қилиш вазифасини ўтайди.

Рейтинг - макроиқтисодий жараёнда рейтинг агентликлари томонидан банк ёки хўжаликнинг молиявий фаолиятига баҳо беради. Бунда кредит институтлари ўртасидаги ёки муассасалар ўртасидаги фарқ рейтинг орқали белгиланади.

Банк фаолиятининг тўлиқ, объектив рейтингини аниқловчи муассасалар банкларни назорат қилиш муассасаларидир. Марказий банклар банкларнинг капитали ва рискни тўғри тақсимлашнинг энг муҳим назоратчиси ҳисобланади. 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий

инқироз шароитида кредит ресурслари энг минимал ҳолатга келиб қолган эди. Бу эса барча банкларнинг рейтинг тизимини баҳолашда турли қийинчиликларни келтириб чиқарган. Молиявий тизимда кредит рейтингининг асосий роли сиёсат билан боғланган. 1936 йилда АҚШ даги банкларнинг кредит портфели сифатини назорат қилувчи органлар фаолияти рейтинг агентликларига ўтказилган. Бу эса банкларнинг кредит портфели сифатини пасайишига ҳамда рейтингини пасайишига олиб келган. Уша пайтларда банкларнинг кредит портфелини сифатини унинг рейтингини аниқлашдаги энг муҳим кўрсаткич ҳисобланган.

Рейтингни ифодалашда икки хил усул қўлланилади:

1. Рақамлар кўринишдаги усул;
2. Ҳарфлар кетма-кетлигида белгиланувчи усул.

Банкларни фаолиятини текшириб уларга балл белгиланиб, шу балларни йиғиндисини умумий рейтинг баҳоси деб юритилади.

Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усулда кўп давлатларнинг ички рейтинг марказларидан фойдаланилади. Мисол учун, Россия федерацияси «Коммерсант» рейтинг экспертлари банкларни уч гуруҳга бўлган - А, В, С. Бу рейтингдаги банклар барқарорлиги энг юқори бўлган банклар ҳисобланган. АС - барқарор банклар рейтинг рамзи сифатида ифодаланган. Шу билан бирга «Рейтинг» ахборот маркази банкларнинг рейтинг кўрсаткичларини қуйидагича ифодалаган:

А - энг юқори барқарорлик категорияси.

В — ўрта барқарорлик категорияси.

С — ноаниқ барқарорлик категорияси.

Бундан келиб чиқиб,

А3 - энг юқори барқарорлик категорияси;

А2 - анча баланд барқарор категорияси;

А1 — баланд барқарорлик категорияси;

В3 - етарли баланд барқарорлик категорияси;

В2 - ўрта;

B1 - етарли бўлмаган баланд барқарорлик категория;

C3 - қисман ноаниқ;

C2 - ноаниқ;

C1 — жуда ноаниқ.

Бундай рейтингни аниқлашда тижорат банкларининг манбаи бўлиб банк активлари, активларнинг берилган кредитдаги қисми, устав фонди ва даромад кўрсаткичлари ҳисобланади. Албатта, халқаро миқёсда ҳам рейтингни аниқлаш учун банк капитали, активлар, даромад кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда рейтинг аниқлашда иккита, “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги ва “САИПРО” компанияси фаолият юритиб келмоқда.

“Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябридаги 427 сонли қарори ижроси юзасидан тижорат банкларига, суғурта ва лизинг корхоналарига, қимматли қоғозлар эмитентларига, микрокредит ва баҳолаш корхоналарига рейтинг хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган Ўзбекистондаги биринчи рейтинг агентлигидир.

2005-йил декабрь ойида “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Осиё кредит рейтинг агентликлари Ассоциациясининг (Association of Credit Rating Agencies in Asia – ACRAA) аъзолигига қабул қилинди ва бугунги кунда Осиё, Европа, Америка ва МДХ давлатларидаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

“Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги ҳозирча хорижнинг ривожланган рейтинг агентликлари каби танилган рейтинг агентлиги бўла олгани йўқ. Аммо бундай ташкилотнинг ўзимизда мавжудлиги банк тизимимизни назорат қилишда мустақил бўла олишимизга ва чет ел агентликлари маълумотларига ишониб фаолият олиб боришимизга мажбур қилиб қўймайди. Мамлакатимиз банк тизими бошқа давлатлар банк тизимидан кўп

жиҳатлари билан фарқ қилади, шу боис рейтинг агентлиги методологиясини айнан мамлакатимиздаги банк тизимига мослаштирилган қилиб яратиш, банкларимизни янада тўғри баҳолай олишимизга имкон яратиб берар еди.

Ҳозирда банк соҳамиз ривожланаётган бир пайтда олдинги қоғозбозлик анъаналаридан воз кечган ҳолда бозор иқтисодиётига тезкор реакция билдириш ва унга адаптация қилиш банкларимиз учун банклар бозоридаги рақобат муҳитида самарали фаолият олиб бориш учун ягона йўл бўлиб қолмоқда. Аммо, ушбу натижаларга эришиш учун банклар олдида ҳамон кўплаб тўсиқлар борлигича қолмоқда. Авваламбор, мамлакатимиз банкларида хориж амалиётининг етишмаслиги, бизни банк соҳасида хориж банкларидан ҳалигача орқада қолаётганимизни кўрсатади. Айниқса, тижорат банкларимизнинг фаолиятидаги баҳолаш ва таҳлил қилиш методологиясидаги камчиликлар ҳамон керакли маълумотларни тўғри баҳолаш имконини бермаябди. Ҳозирги глобаллашув даврида замон билан ҳамнафас бўлиб яшамок давр талаби бўлиб қолар экан, банкларимизни ҳам эндиликда таҳлилга бўлган ёндашуви ўзгариб бормоқда. Кўплаб етакчи банкирларимизнинг фикрига кўра, ҳозирда мамлакатимизда мавжуд бўлган молиявий ҳолатни баҳолаш инструментлари замон талабларига тўлиқлигича жавоб бермайди. Шундай экан, мамлакатимиз банк тизимига хорижий баҳолаш методларини жорий этиш банк тизимимиз олдида турган асосий масалалардан бири бўлиб турибди.

1.3. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатни баҳолашда хориж амалиёти

Тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолашнинг мамлакатимизда мавжуд усуллари ва уларнинг қандай қилиб амалга оширилиши билан танишиб чиқдик. Бу каби усуллар ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки йиллар давомида хорижий мамлакатлар банк тизимида содир бўлган ҳолатлар натижасида олинган тажрибалар ёрдамида ишлаб чиқилган. Деярли барча баҳолаш методлари бир-бирига жуда ўхшаш

ҳисобланади, чунки уларнинг асосида битта мақсад тижорат банки молиявий ҳолатини баҳолаш туради. Ўзбекистон Республикаси банк тизими Россия банк тизимига ўхшаш деб ҳисоблайман, чунки СССР ҳукмронлиги даврида бизларнинг банк тизимимиз бир бўлган. Шунинг учун ҳам тижорат банкни молиявий ҳолатини баҳолашда авваламбор Россия, сўнгра АҚШ амалиётини кўриб чиқишни тўғри деб ҳисобладим.

1.3- жадвалдан кўриб турганингиздек ҳар иккала чет мамлакатларининг баҳолаш методлари дейарли фарқ қилмайди. Аммо АҚШ нинг CAMELS тизимида бошқарув сифатини баҳолаш ҳам мавжуд бўлиб айнан ушбу жиҳати уни бошқа баҳолаш методларидан ажралиб туришига сабаб бўлади.

1.3 - жадвал

Тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолашда Россия ва АҚШ амалиётидаги фарқлар²⁰

Россия банк тизимида	CAMELS тизимида
➤ капитални баҳолаш кўрсаткичлари гуруҳи; ➤ активларни баҳолаш кўрсаткичлари гуруҳи; ➤ банк операцияларни ва рискларини бошқариш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари гуруҳи; ➤ даромадлиқни баҳолаш кўрсаткичлари гуруҳи; ➤ ликвидлиқни баҳолаш кўрсаткичлари гуруҳи.	➤ C (capital adequacy) – капитал етарлилиги; ➤ A (asset quality) – активлар сифати; ➤ M (management) – бошқарув сифати; ➤ E (earnings) – даромадлиқ; ➤ L (liquidity) – ликвидлиқ; ➤ S (sensitivity to risk) рискка нисбатан сезувчанлиқ.

Айнан CAMELS тизимини тижорат банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш учун хориж амалиёти сифатида мисол қилиб олиш керак деб ўйлайман. Ушбу тизим жаҳонда машҳур тизим бўлиб, ундан ҳозирда деярли барча давлат банк тизимлари фойдаланишмоқда.

²⁰ www.wikipedia.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

CAMEL тизими 1978 йилда АҚШ Федерал захира тизими томонидан мамлакатдаги рейтинг тизимларини унификатсия ва стандартлаштириш мақсадида ташкил қилинди. Мазкур тизим банк фаолиятининг 5 та муҳим молиявий кўрсаткичларини ташкил этади, жумладан:

1. capital adequacy – банк сармоясининг етарлилиги;
2. assets quality - активлар сифати;
3. management – бошқарув;
4. earnings – даромад ва фойда кўрсаткичи;
5. liquidity – ликвидлиги²¹.

Бу тизимнинг тижорат банкларини баҳолашда содда ва тушунарли бўлиб, қисқа давр ичида жаҳонда банklar назорати амалиётида кенг қўлланили бошлади.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланганлиги, бизнесда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги туфайли «CAMEL» назорат тизимига, 1997 йилдан бошлаб «S» ҳарфи қўшилди ва «CAMELS» деб ёзиладиган бўлди.

«S» (Sensitive of market risk) ҳарфи-бозор хатарлигига сезгирлик мезонини билдириб, бозор муносабатлари шароитида айрим пайтларда учраб турадиган «бухрон»ларга банklarнинг сезгирлигини баҳолайди. Умуман олганда бу рейтинг тизими, тижорат банклари фаолият натижаларини, мавжуд активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда муҳим бўлган умумий кўрсаткичларни ўз ичига олади.

CAMELS тизимини айрим компонентларини баҳолаш миллий банкка тақдим этилган ҳисобот маълумотлари бўйича амалга оширилиши мумкин, лекин уни бошқа компонентлари аниқроқ баҳолаш учун жойларда текширувларни олиб боришни талаб этади; шундай қилиб банкни ушбу тизим асосида баҳолаш узулишсиз жараён ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам банкни баҳолашни инспекцион текширувлар охирида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

²¹Д.Н.Рахимова, ва бошқалар. Менежмент (ўқув қўлланма) -Т.: Академия, 2003 йил. 6-100.

CAMELS рейтинг тизими стандартлаштирилган банкларни баҳолаш методи ифодалайди. У ўз самарасини фақатгина банк ҳолатини доимий равишда текширувчи ва таҳлил қилувчи малакавий инспекторлар бўлганидагина беради.

Биринчи президентимиз И.А. Каримов маърузаларида – “Мамлакатимизда ривожланган замонавий иқтисодиёт барпо этишнинг муҳим шартларидан бири, унинг жаҳон иқтисодиёт тизимига интеграциялашувидир. Ушбу жараёни амалга ошириш эса иқтисодиёт субъектларининг фаолиятини, ҳисоб ва ҳисоботлар ҳамда аудит тизимини жаҳон андозаларига кўтаришни тақозо этади”²².

Бунда “жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви»га асосий эътибор қаратилади. Бу мазмунда республикаимизда қилинган ишларнинг бир нечасини санаб ўтиш мумкин улардан энг асосийлари бу CAMELS рейтинг тизими асосида тижорат банкларини назорат олиб боришидир.

Чунки, Америка Қўшма Штатларида 1978 йилдан қўлланила бошланган бу тизим кейинги даврда жаҳоннинг кўп мамлакатларида давлат банкларининг тижорат банкларини назорат қилишда интеграциялашувининг имкониятини яратди. Хатто, жаҳондаги нуфузли банк ташкилотларидан ҳисобланган “Базель конгресси” ушбу тизим асосида тижорат банкларини назорат қилиш учун тавсияларини ишлаб чиқди. Россия Федерациясининг Тижорат банклари раҳбарлари ҳам қуйидаги фикрларни билдиради «...ҳалқаро банк амалиётида кредит ташкилотлари фаолиятининг ҳулосалари асосан бешта муҳим компонентлар – капитал етарлилиги, активлар сифатлилиги, банк даромадлилиги, банк ликвидлилиги ва банк бошқаруви баҳоси кўрсаткичларининг умумий сифатлари билан белгиланади»²³ бу биринчидан.

Иккинчидан эса, жаҳонда иқтисоди ривожланган давлатлар Америка Қўшма Штатлари 1978 йилдан, Япония давлати 1998 йилдан, Филиппин 1999

²² И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1-жилд. 1996 йил. 6-264 –265.

²³ Г.П.Комисаров Тижорат банклар фаолиятини бошқариш. //Вестник банковского дела №1. Россия. 2004 йил. 6- 59.

йилдан, Хиндистон 1998 йилдан, Сингапур ва барча Ислом²⁴ давлатлари 1998 йилдан, Собик Иттифоқ мамлакатлари ҳисобланган Россия Федерацияси, Украина, Грузия, Қозоғистон, Польша, Чехия 1998 йилдан бошлаб тижорат банкларининг назорати тўлиқ CAMELS рейтинг тизими асосида олиб борилмоқда.

Демак, бу шархнинг ўзи ҳам дунёдаги мамлакатларда банклар назорати интеграциялашувига олиб келаётганини англатади.

CAMELS рейтинг тизимининг асосий жihatларини қуйидагиларда кўринади:

1. CAMELS тизими, кўпроқ масофавий назоратга асосланган европача усулдан фарқли ўлароқ, жойида текширишга асосланган бўлганлиги сабабли, банкларни ташқи аудит қилишда жуда қўл келади;

2. мазкур тизим АҚШ тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда қўлланиладиган андозалашган рейтинг тизими бўлиб, аниқ ва мукаммал бўлганлиги сабабли, фойдаланиш учун қулайдир;

3. ушбу тизим орқали тижорат банклари молиявий мустаҳкамлигининг асосий компонентлари: банк капиталининг етарлилиги (C), активлар сифати (A), банк менежменти (M), даромадлилиги (E) ва ликвидлилик (L) таҳлил этилиши натижасида, банкнинг молиявий мустақиллигини ҳар томонлама тўлақонли таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин.

CAMELS тизимидаги ҳар бир бешта компонентларни баҳолашда: капитални адекватлилиги, активларни сифати, бошқариш тушумлар ва ликвидлилик қуйидаги қоида ва тамоилларни инобатга олишга мақсадга мувофиқдир:

1 - Рейтинг (қатъий)

- аъло натижалар ва молиявий барқарорлик

- баҳо анча юқори ёки бошқа банк ташкилотларига қараганда яхшироқ

2- Рейтинг (қониқарли)

- фаолият натижалари қониқарли (жиддий муаммолар аниқланмади)

²⁴ В.В. Павлов Исламские банки в исламском финансовом праве. -М.: Анкил, 2003 йил. б-114.

- фаолият натижалари ўртачадан юқорироқ ёки камида ўртача даражада
- молиявий операцияларни хавфсизлигини таъминлаш ва ишончлилиги

учун керакли шарт-шароитлар мавжуд ва чора-тадбирлар кўрилган.

3-рейтинг (билвосита)

- фаолият натижалари унчалик қониқарли эмас
- баҳо билвосита ҳисобланади ёки қониқарлидан пастроқ

4-Рейтинг (Чегаравий)

- бажарилиш сўзсиз ўрта даражадан пастроқ
- банк фаолиятидаги камчиликлар шунчалик аёнки, ҳатто улар келажақда банк фаолиятига таҳдид солади.

5-рейтинг (қониқарсиз)

- фаолият натижалари сўзсиз қўлланила олинмайди (бажарилиши, ишлатилиши тўғри келмайди).
- муаммолар критик (чегаравий) ҳисобланади ва кечиктирмасдан қарор қабул қилишни талаб этади.
- агарда камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаса, банкга банкротлик таҳдид солади.

Умумий рейтинг умумлаштирувчи баҳо ҳисобланади ва анча содда равишда ҳисоблаб чиқарилади:

CAMELS/5 (Ҳар бир компонент бўйича балларни йиғиндиси олинади ва бешга бўлинади)

Масалан:

Капитални адекватиллиги =2

Активларни сифати =2

Бошқариш = 3

Тушумлар = 3

Ликвидлилик = 1

Ҳамма компонентларни йиғиндиси 11ни ташкил этади ва уни 5 га бўлиш натижасида 2,2 ҳосил қилинади. Уни бутун сонгача яхлитлаймиз ва у

ҳозирги ҳолатда 2 га тенг. Шундай қилиб, умумий рейтинг 2 га тенг ва қониқарли ҳисобланади.

Шундай қилиб:

1 - 1,5 1 гача яхлитланади ва банк қатъий рейтингни олади

1,6 - 2,5 2 гача яхлитланади ва банк қониқарли рейтингни олади

2,6 - 3,5 3 гача яхлитланади ва банк билвосита рейтингни олади

3,6 - 4,5 4 гача яхлитланади ва банк чегаравий рейтингни олади.

4,6 - 5,0 5 гача яхлитланади ва банк қониқарсиз рейтингни олади.

1 ёки «қатъий» рейтинг олган банклар қуйидаги тавсифномаларга эга:

- молиявий ҳолат ҳамма кўрсаткичлар бўйича ишончли ҳисобланади;
- аниқланган кичик муаммолар оддий фаолият юритилиш давомида ҳал

қилиниши мумкин;

- банкнинг молиявий ҳолати иқтисодиётда ва банк секторидаги рўй бераётган ўзгаришлар ва муаммоларга нисбатан барқарор ҳисобланади.

- банкнинг молиявий ҳолати назорат органларини безовталанишга ҳожат қолмайди.

2 ёки «қониқарли» рейтинг олган банклар қуйидаги тавсифномаларга (характерли жиҳатларга) эга:

- умумий органда ҳамма аспектлар бўйича банкни молиявий ҳолати ишончли ҳисобланади;

- катта аҳамиятга эга бўлмаган муаммоларни аниқланиши тегишли тартибда банк раҳбарияти томонидан тузатилади;

- банкнинг молиявий ҳолати, аслини олганда, барқарор, демак, банк ўзгарувчан иқтисодий конъюнктура шароитларига ва банк сектори ишга мослашиб кета олиши керак;

- назорат органларини ташвишлари фақатгина жойлардаги текширувлар ёки ҳисоботни таҳлили давомида юзага чиққан муаммоларни банк раҳбарияти томонидан тўғирлангунча давом этади.

3 ёки «билвосита» рейтинг олган банклар қуйидаги тавсифномаларга эга:

- банк молиявий ва операцион нуктаи назардан кучсизланган ва бир канча қонунбузарликлар ва меёрий актларни бажармасликка йўл қўйган;

- банкнинг молиявий ҳолати келажакда ёмонлашиш тенденцияга эга, агарда иқтисодиётдаги ва банк соҳасидаги воқеалар ривожини ноқулай (номақбул) ривожланиш шароитларида қолса;

- банкнинг молиявий ҳолати эҳтимол ёмонлашади агарда бу ҳолатни тузатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар қўлланилмаса ёки чора-тадбирлар қўйилган ўзининг самарасини бермаса;

- банкнинг ҳолати назорат органини безовталантиради.

4 ёки «чегаравий» рейтинг олган банклар қуйидаги тавсифномаларга эга:

- молиявий ҳолатда бир қатор сезиларли камчиликларга эга;

- ўрнатилган тартибда бартараф этилаётган нобарқарор ҳолатни намоён этади;

- агарда ҳолатни яхшилаш борасида чора-тадбирлар қўлланилмаса, банк ҳолати шу даражада ёмонлашадики, у банкни келажакда мавжуд бўлишини шубҳа остига қўяди;

- потенциал банкротликни ифодаловчи аломатлар мавжуд бўлади;

- назорат органи томонидан синчиковлик билан кузатув ва назоратни талаб этади, шунингдек муаммоларни бартараф этиш режаси ҳам талаб этилади.

5 ёки «қониқарсиз» рейтинг олган банклар қуйидаги тавсифномаларга эга:

- яқин келажакда банкрот бўлишни юқори эҳтимолини мавжудлиги;

- бир қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳолат шунчалик жиддийки, тез шошилишч молиявий ёрдам талаб этилади. Бу ёрдамни банк эгалари ёки бошқа молиявий манбалар кўрсатиши мумкин;

- ҳолатни тузатиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар қўлланилмаса ёки молиявий кўмак берилмаса, эҳтимол вазият қўшиб юборишни ёки бошқа

банк ташкилоти томонидан сотиб олинишни ёки тугатилиш жараёнини бошлаш керак бўлади.

1.4 - жадвал

CAMEL(S) рейтинг тизимида капиталнинг етарлилигини баҳолаш²⁵

Рейтинг	1-даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти	Умумий капитал етарлилик коэффициенти	Чекловлар
1 балл (кучли)	6 % дан анча юқори	8 % дан анча юқори	Активларнинг сифати камида 2; рискли активлар коэффициенти 11 фоиздан юқори эмас.
2 балл (кониқарли)	5 % дан юқори	8 % дан сезиларли даражада юқори	Активларнинг сифати 3 га тенг; рискли активлар коэффициенти чекланмаган.
3 балл (ўрта)	4 % даражасида	8 % даражасида	Активларнинг сифати 4 га тенг; рискли активлар коэффициенти чекланмаган.
4 балл (чегаравий)	4 % дан сезиларсиз даражада паст	8 % дан сезиларсиз даражада паст	Ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси бошланғич капитал суммасидан ортиқ.
5 балл (кониқарсиз)	4 % дан сезиларли даражада паст	8 % дан сезиларли даражада паст	Зарарлар бошланғич капитал суммасидан ортиқ.

CAMELS рейтинг тизимининг якуний натижаси тижорат банкларнинг молиявий фаолияти тўғрисида банк бошқарув раҳбарияти ва банк назоратига маъсул ташкилотларни ҳаққоний, тўлиқ маълумотлар беради ҳамда тижорат банкининг иқтисодий ҳолати ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлашга ва улар иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

CAMELS тизими компонентлари асосида баҳолаш ўтказилганидан сўнг, банкка умумий хулоса берилади. Ҳар бир компонент бўйича 1 “кучли”

²⁵ Карабаев Н.А., “Тижорат банклари фаолиятини CAMELS рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш” // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, 2017 йил. октябрь, 6-45.

дан 5 “қониқарсиз” гача баҳолар берилади ҳамда берилган баҳолар йиғиндиси олинади ва CAMELS тизими бўйича умумий баҳони бериш учун уларнинг ўртача қиймати топилади.

Шунингдек, умумий баҳо CAMELS тизими асосида тижорат банки раҳбарияти банкнинг молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумотга ега бўлади ва унга кўра банк истиқболли режаларини ишлаб чиқишади.

I боб бўйича хулоса

Биринчи боб бўйича тижорат банкларининг молиявий ҳолатни баҳолашнинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1.Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш – банкларнинг барқарорлиги ва ишончилигини тасдиқловчи , ҳамда келажакда банк учун тузатиб бўлмас йўқотишларни келтириб чиқарувчи хавфларни аниқлаш ва олдини олишни таъминловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг аниқлиги тижорат банкларининг келгусидаги фаолияти истиқболларини белгилаб беради.

2.Банklar барқарорлиги - бу банк бозорида, рақобат шароитида уларнинг яшовчанлигини ўзига хос белгисигина эмас, шу билан бирга, тижорат банкларининг ривожланиш стратегияси ҳамдир. Албатга ҳозирги шароитда тижорат банклари узоқни кўра билган ҳолда ўз фаолиятининг ўрта муддатларга мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

3.Тижорат банклари молиявий ҳолатининг барқарорлигини бир неча молиявий кўрсаткичлар белгилаб беради. Уларга қуйидагилар киради: капитал етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик, ликвидлилик , рискларни бошқариш сифати даражаси, бошқарув сифати.

4.Тижорат банкларининг жами капитали 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 152,13 фоизга ошиб, 23,7 трлн. сўмни ташкил этди.

5.Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

6.Банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг бир неча инструментлари (рейтинг тизимлар, бозор модели, статистик модел ва имитацион модел) лар бўлиб, уларнинг банк молиявий ҳолатига берадиган баҳоси ўзида банкнинг бошқа хусусиятларини акс эттиради.

7. CAMEL тизими 1978 йилда АҚШ Федерал захира тизими томонидан мамлакатдаги рейтинг тизимларини юнификатсия ва стандартлаштириш мақсадида ташкил қилинди. Мазкур тизим банк фаолиятининг 5 та муҳим молиявий кўрсаткичларини ташкил этади, жумладан: capital adequency – банк сармоясининг етарлилиги, assets quality - активлар сифати, management – бошқарув, earnings – даромад ва фойда кўрсаткичи, liquidity – ликвидлиги.

8. 2005-йил декабрь ойида “Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Осиё кредит рейтинг агентликлари Ассоциациясининг (Association of Credit Rating Agencies in Asia – ACRAA) аъзолигига қабул қилинди ва бугунги кунда Осиё, Европа, Америка ва МДХ давлатларидаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Банк тизимининг жорий ҳолати ва унда ўрнатилган иқтисодий нормативлар асосида банк молиявий ҳолатини назорат қилиш

Жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, шунингдек мамлакатда миллий иқтисодиётни кенг кўламли ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатини шакллантириш, амалга оширишда ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришда янгича ёндашув ва принциплар қўлланилишини тақозо қилмоқда.

Холис тан олиш керакки, бугунги кунда пул-кредит сиёсати ва банкларни тартибга солишдаги имкониятлардан амалда тўлақонли фойдаланилмаяпти, пул-кредит инструментларининг лозим даражада ишлаши ва самарадорлигини таъминловчи трансмиссион механизмларнинг ривожланмаганлиги қўйилган мақсадларга эришишни қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг бошқарув ва риск-менежменти сифатига таъсир қилиш механизмларининг такомиллашмаганлиги, банклар фаолиятига маъмурий аралашув амалиётининг давом этаётганлиги, айниқса, банклар томонидан ўз фаолиятига хос бўлмаган корхоналар ташкил этилиши, шунингдек уларнинг фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган вазифаларнинг юклатилиши банк назоратини таъсирчан амалга оширишни қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган 28 та банкларимиз устидан назорат ва бошқарувни олиб борувчи Марказий банкнинг фаолиятини такомиллаштириш юқорида айтиб ўтган муаммоларнинг ечими бўла олади. Шу юзасидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, шунингдек пул-кредит сиёсати, умуман банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши устидан самарали назоратни ва Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштиришни таъминлаш

мақсадида 09.01.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5296 фармони чиқарилди. Фармонга кўра Марказий банк фаолиятининг 7 та устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишларнинг учинчисида банк тизимини тартибга солиш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

“....учинчидан, банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан тижорат банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва уларни бартараф этувчи чоралар кўриш имконини берувчи тижорат банклар таваккалчилигини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш белгиланмоқда.”²⁶

Албатта, тижорат банкларимизнинг сўнгги йиллардаги кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар ижобий натижаларни кўрсатиб келмоқда. Шунга қарамадан ушбу натижалар фақат миқдор жиҳатидан эмас балки сифат жиҳатидан ҳам ижобий натижаларни кўрсатиши учун уларни назоратини такомиллаштириш ва уларни реал баҳолаш тизимини жорий этиш лозим бўлади.

2.1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси Тижорат банкларининг асосий кўрсаткичлари динамикаси (трлн. сумда) ²⁷

Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2017 йилнинг 2013 йилга нисбати %
Жами активлар	43,9	56,2	65,2	80,4	166,6	379,5%
Кредит портфели	26,5	34,8	42,7	53,4	110,6	417,3 %
Депозитлар	20,1	26,2	28,6	44,6	58,7	292 %
Ўз капиталли	5,2	6,5	7,8	9,4	23,7	455,7 %

Юқоридаги 2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, тижорат банкларимизнинг асосий кўрсаткичлари ўсиш тенденциясини

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сонли Фармони.

²⁷ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги чораклик бюллетени №50, 2018 йил., Февраль, ва www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

кўрсатмоқда ва бу авваламбор Марказий банкнинг Тижорат банкларига нисбатан талабларини ошиб бораётганини билдиради. Ўсиш тенденцияси жуда юқори кўрсаткичларни намоёни қилмоқда, 4 йиллик давр мобайнида тижорат банкларининг жами активлари 2013 йилга нисбатан 2017 йилда деярли 379 % га ошган, кредит портфели эса 417% лик ўсиш кўрсаткичини кўрсатмоқда. Энг сезиларли ўсиш бу тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмида кузатилган. 2013 йилда банклар ўз капитали 5,2 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу сумма 23,7 трлн. сўмни ташкил қилган.

Бизга маълумки Марказий банк ўз фаолиятини 1995-йил 21-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонун асосида олиб боради. Ушбу қонуннинг 8-бобида тижорат банклар устидан Марказий банкнинг назорати ёритиб берилган. Мазкур бобнинг 52-моддаси “Иқтисодий нормативлар” деб аталиб, унда Марказий банк томонидан Тижорат банклари бажаришлари шарт бўлган нормативлар санаб ўтилган.

Бу нормативлар 7 та бўлиб улар қуйидагилардир:

- капиталнинг монандлик коэффиценти;
- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;
- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;
- ликвидлилик коэффицентлари;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантириш;
- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талаблар;
- очиқ валюта мавқеи лимитлари.²⁸

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида» ги Қонуни – 1995 йил. 21 декабрь, 52-модда

Юқорида санаб ўтилган нормативлар ёрдамида Марказий банк тижорат банкларининг иқтисодий аҳволига баҳо беради ва уларни белгиланган нормаларни бузмаслигини назорат қилади. Ушбу нормативлар асосида мамлакатимиз тижорат банкларининг жорий ҳолатини кўриб чиқиш, банкларимизнинг қанчалик даражада ушбу нормативларга риоя қилишини кўрсатиб беради. Нормативларнинг биринчиси бу капиталнинг монандлиги бўлиб, биламизки ҳозирда тижорат банкларимизнинг капиталини йилдан йилга ошириб бориш борасида кўплаб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

2.2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий

Асосий кўрсаткичлар	(млрд. сўм)		
	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	14,72%	14,73%	18,77%
Жами регулятив капитал	6 921,1	8 460,1	19 992,8
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	47 002,3	57 443,8	106 510,9
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	12,55%	12,50%	16,55%
I даражали капитал	5 896,5	7 179,4	17 627,1


барқарорлик кўрсаткичлари (капитал)²⁹

2.2-жадвал маълумотларидан хулоса қилиб айтганда тижорат банкларимизнинг капитал монандлиги кўрсаткичлари белгиланган нормативларимиздан юқори еканлигини кўришимиз мумкин. 1.1-жадвалда келтириб ўтганимиздек К1 нинг ҳозирда мамлакатимиз банк тизимидаги минимал қиймати 12,5% ни ташкил қилади, тижорат банкларимизнинг 2018 йил 1 чорак кўрсаткичи еса 19,55% ва бу минимал қийматдан 7% га кўпроқ. 1.1-жадвалга кўра К2 яъни I даражали капиталнинг етарлилик кўрсаткичининг минимал қиймати 9,5% ни

²⁹ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

ташкил этади, банк тизимимиз эса бу кўрсаткич бўйича 2018 йилнинг 1 чорак ҳолатига кўра 17,89% лик натижани кўрсатган ва бу минимал қийматдан дейарли 8,5% га кўпроқ.

Қуйидаги 2.1- расмда умумий капитал етарлилиги ва I даражали капиталнинг етарлилик коэффициентларининг 2017 йил 1 январь ҳолатидан 2018 йил 1 январь ҳолатигача бўлган динамик ўзгаришини кўришимиз мумкин.



2.1- расм. Тижорат банкларининг капитал етарлилиги кўрсаткичлари динамикаси³⁰

Юқоридаги расм маълумотларига кўра тижорат банкларимизнинг умумий капитал етарлилиги коэффициенти ва I даражали капитал етарлилиги коэффициентлари 2017-йилнинг бошланишига нисбатан 2018-йил бошида деярли 5% дан кўпроққа ошган. Бу кўрсаткичлар албатта ҳозирда банкларимиз капиталлашувини йилдан йилга оширилиб борилаётганининг самарасини кўрсатиб беради.

Тижорат банкларининг капитал етарлилигини назорат қилиб бориш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш банкнинг фавқулотда юзага келиши мумкин

³⁰ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги чораклик бюллетени №50 ,2018 йил,Февраль, маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

бўлган хатарлардан қанчалик муҳофаза қилинганлиги ва қанчалик молиявий потенциалга ега эканлигини кўрсатиб беради. Аммо, тижорат банклари ўз фаолиятини асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобига олиб боради ва жалб қилинган маблағлар умумий маблағларнинг деярли 80% ни ташкил қилишади.

Демак, банклар қарз маблағларини жалб қилган ҳолда уларни актив операцияларга йўналтиришар экан, унда уларнинг ўз вақтида қайтишига ҳам банклар тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Тижорат банкларини мажбуриятлар юзасидан ўз вақтида тўловга қобиллигини белгиловчи кўрсаткич бу банк ликвидлиги ҳисобланади. Иқтисодий нормативлар орасида ҳам ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки банкларнинг ликвидлик даражаси назорат қилиниб борилмаса ва банк ликвидлиги белгиланган меъёрдан тушиб кетса, бу келажақда банкнинг олдидаги мажбуриятларга ўз вақтида жавоб беролмаслигига ва бунинг натижасида банк инқирозига олиб келиши мумкин.


2.3- жадвал

Банк тизими ликвидлилик динамикаси³¹

Кўрсаткичлар номи	01.04.2017 й.	01.04.2018 й.
Юқори ликвидли активлар (млрд. сўм)	17 303,6	36 859,6
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	19,1%	21,1%
Жорий ликвидлилик меъёри (мин. талаб 30%)	63,9%	56,6%
Ликвидлиликни қоплаш меъёри (мин. талаб 100%)	159,3%	205,8%
Соф барқарор молиялаштириш меъёри (мин. талаб 100%)	98,0%	108,1%
Лаҳзали ликвидлилик меъёри (мин. талаб 20%)	-	48,8%

³¹ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, мамлакатимиз тижорат банклари юқори ликвидлилик коэффициентларига ега бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари иқтисодий нормаларнинг минимал талабларидан деярли 2 баробар юқори натижаларни кўрсатмоқда. Гапимиз исботи сифатида қуйидаги 2.2-диаграммада 2017-йил бошидан 2018-йил бошигача бўлган муддат ичида жорий ликвидлилик кўрсаткичининг қай даражада ўсганлиги динамикасини кўриб таҳлил қилишимиз мумкин.



2.2- расм. Банк тизимининг жорий ликвидлилик динамикаси³²

Юқоридаги расм тижорат банкларимиз жорий ликвидлик коэффициенти бир йил мобайнида деярли 21% га ўсганини кўрсатмоқда. Бу албатта ижобий натижа бўлиб, тижорат банкларнинг жорий тўловага қобиллик сифатини ошиб бораётганидан далолат беради.

Биз ҳозирги кунларда банклар бажариши шарт бўлган иккита муҳим иқтисодий нормативларни тижорат банкларимиз томонидан қай даражада бажарилаётганини кўриб чикдик. Уларнинг бажарилиши Марказий банк

³² “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги чораклик бюллетени №50 ,2018 йил,Февраль, маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

томонидан тартибга солиниб боради ва ушбу нормативларга риоя этилмаган ҳолда тегишли чоралар кўрилади, яъни Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг 53-моддаси “Марказий банк қўллайдиган чоралар ва санкциялар” га кўра. Ушбу модданинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга. Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаятган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган бўлса, Марказий банк :

- банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;

- банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини, шу жумладан банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;

- банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзгартиришга;

- банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;

- банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

- банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.»³³

Тижорат банкларимизни молиявий ҳолатини Марказий банк томонидан бундай тартибда назорат қилиниши банк тизимининг барқарорлигини таъминлаб беради ва банкларимизнинг ривожланишига шароит яратади.

Охирги йилларда банк тизимимизнинг қай даражада самарали фаолият олиб бораётганини қуйидаги жадвалда банкларимизнинг даромадлилик кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқишимиз мумкин.

2.4- жадвал

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари³⁴

Кўрсаткичлар	1.04.2017. й	1.04.2018. й
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,4	2,0
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	21,9	15,6
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	2,9	2,7
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	4,4	3,9
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	3,2	3,1
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	2,9	2,7

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларимизнинг даромадлилик кўрсаткичлари 2018-йилда 2017-йилга нисбатан бироз пасайган ва бунга асосий сабаб банкларимизнинг капитал ҳажмини йилдан йилга ошириб бораётгани ва активлар миқдорини кўпайтириб бораётганидир. Буни албатта ижобий баҳолашимиз мумкин, чунки банкларимизнинг капиталини ошиши уларни янада мустақил ва барқарор банкка айлантиради ва бу ўз навбатида банкларимизнинг йирик лойиҳаларда иштирок эта олиш қобилиятини оширади.

³³ Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида» ги Қонуни – 1995 йил. 21 декабрь 53-модда.

³⁴ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2.2. Тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари

Замонавий бозор шароитида тижорат банклари давлат молия тизимида асосий рольни ўйнайди. Ривожланган ва самарали банк секторини шакллантиришнинг йўлларида бири бу юқори даражали корпоратив бошқарувдир. Бунинг учун албатта ҳам инвесторлар, ҳам банкнинг келгуси истиқболи учун объектив молиявий таҳлил зарур бўлади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг энг самарали методларидан бири бу молиявий таҳлилдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги тижорат банклари ўз ҳисоботларини МҲХС (Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари) асосида тузмокдалар ва йилдан йилга халқаро рейтинг агентликларининг талабларига жавоб берадиган банкларимиз сони ошиб бормоқда. Банкларнинг рейтинг талабларига жавоб беришини аниқлашда банкларнинг молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва баҳоланади. Ҳозирда мамлакатимиз тижорат банклари Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабларни ортиғи билан бажариб келмоқда, мисол учун капитал етарлилигига қўйилган талабдан 3 баробар юқори, ликвидлиликка қўйилган талабдан еса 2 баробар юқорироқ бўлган натижаларни кўрсатмоқда. Бундан келиб чиқган ҳолда шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларимиз капитални кўпайтириш, хусусий капитални жалб қилиш, ресурслар базасини ошириш, активлар сифатини ошириш орқали ушбу натижаларга эришиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш банкнинг молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим эканлигини кўришимиз мумкин. Демак молиявий кўрсаткичлар нима ва улар қай тарзда амалга оширилади деган саволларга жавоб берамиз ва уни бир банк молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида амалий таҳлилинини кўриб чиқамиз.

Молиявий кўрсаткичлар таҳлили 2 та метод орқали амалга оширилади:

- таққослаш методи – бу маълум бир кўрсаткичларнинг ўзгаришини таққослаш орқали таҳлил қилиш методи;

- коэффициентлар методи – бу методдан турли хил гуруҳлар ёки кўрсаткичлар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни кўрсатиш учун фойдаланилади.

2.5-жадвал

АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” банкининг асосий молиявий кўрсаткичлари таҳлили (31-декабрь ҳолатига) ³⁵

Молиявий кўрсаткичлар	2015 йил (млн.сумда)	2016 йил (млн.сумда)	2017 йил (млн.сумда)	2017 йил – 2016 йил фарқи (млн.сумда)
Активлар	1 073 186	1 155 440	1 392 967	237 527
Мажбуриятлар	918 527	962 005	1 151 288	189 283
Капитал	154 658	193 434	241 678	48 244
Кредит портфели	436 364	679 536	852 443	172 907
Депозитлар	841 411	801 842	1 051 228	249 386
Солиқгача бўлган фойда	53 251	46 675	73 984	27 309
Соф фойда	42 756	37 078	60 714	23 636
Активлар даромадлилиги (ROA)	4,96 %	4,03	5,31	-
Капитал даромадлилиги (ROE)	34,43	24,3	30,61	-

Юқоридаги 2.5-жадвалда Asia Alliance банкининг асосий молиявий кўрсаткичлари акс эттирилган ва улардан кўриб турганимиздек банкнинг фаолияти 2017 йил сезиларли даражада ўсган. Ундан олдинги йилларга нисбатан 2017 йилда банк капитал, активлар ва мажбуриятларини сезиларли даражада ошириб борган. 2016 йилда банкнинг фойдаси ундан олдинги йилга нисбатан 5 млрд сумга камроқни ташкил этган бўлса, 2017 йилда банк

³⁵ www.aab.uz АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” банкининг 2016-2017 йиллар фаолияти бўйича ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фойдасини яна оширишга эришган ва соф фойда 60 млрд сумдан кўпни ташкил этган.

Умуман олганда жадвалдаги маълумотлар бизга банк ҳақидаги умумий маълумотларни кўрсатиб беради ва бу маълумотлар орқали биз банкнинг молиявий аҳволини янада чуқурроқ ўрганишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун бизга ушбу кўрсаткичларни солиштириш учун катъий белгиланган меёрлар керак бўлади. Тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичларига қўйилган меёрларни Марказий банк белгилаб беради ва у қуйидагича кўринишга ега:

2.6-жадвал

Марказий банк томонидан белгиланган меёрлар³⁶

Иқтисодий меёрларнинг номланиши	Ҳисоб-китоб формуласи	Ўрнатилган оптимал мезон
Капитал етарлилиги коэффициенти	Банкнинг умумий капитали / жами рискка тортилган активлар	Мин 12,5%
I даражали капиталнинг етарлилиги	I даражали капитал / жами рискка тортилган активлар	Мин 9,5%
Жорий ликвидлилик коэффициенти	Ликвид активлар ва 30 кунда қайтадиган активлар/ талаб қилиб олгунча мажбурият ва 30 кун мобайнида сўндирилиши лозим бўлган мажбуриятлар	Мин 30%
Бир ёки гуруҳ қарздорларига ўрнатилган таъминланган қарзнинг максимал даражаси	Бир қарздорга берилган кредитнинг максимал даражаси / I даражали капитал	Макс 25%
Бир эмитентнинг қимматли қоғозига инвестиция қилишнинг максимал даражаси	Бир эмитентнинг қимматли қоғозига инвестиция / I даражали капитал	Макс 15%
Барча эмитентлар устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялар миқдори	Барча эмитентлар устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялар миқдори / I даражали капитал	Макс 50%

³⁶ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Шундай қилиб жадвалда кўриб чиқган Марказий банк томонидан тижорат банклари учун ишлаб чиқилган ушбу иқтисодий нормативлар банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда зарур бўладиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу нормативлардан ташқари тижорат банкининг капитали, активлари, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари ҳам баҳоланади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини аниқлаш тизими турли давлатларда турлича бўлиб , унинг ягона бир тизими ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бунга асосий сабаб иқтисодиётларнинг турличалигидир, чунки банкларни молиявий ҳолатини баҳолашда албатта у банк жойлашган мамлакат иқтисодиёти ҳисобга олиниши лозим.

Ҳар бир давлатнинг ўз Марказий банки бўлиб, уларнинг тижорат банкларга нисбатан ўрнатган иқтисодий нормативлари турличадир, бундан келиб чиқган ҳолда ҳар бир мамлакат банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш методологиясини мустақил равишда тузиб чиқишига тўғри келади. Албатта бунда улар хориж амалиётидан андоза сифатида фойдаланишади, шунга қарамасдан турли хил баҳолаш методларида натижалар ҳар хил чиқади.

Ўзбекистон Республикаси мисолида оладиган бўлсак , бизнинг Марказий банк томонидан ҳам банкларимизга нисбатан қатъий белгиланган нормативлар мавжуд бўлиб уларни биз 2.6- жадвалда кўриб чиқдик. Аммо буларнинг ўзигина банкнинг молиявий ҳолатини баҳолашга етмайди. Демак бизга қўшимча кўрсаткичлар керак бўлади ва уларни қандай қилиб баҳолашни еса баҳолаш методлари белгилаб беради. Афсуски мамлакатимизда миллий баҳолаш методимиз ханузгача мавжуд емас ва ҳамон хориж амалиётидан фойдаланиб келмоқдамиз. Албатта узоқ йиллик тажрибага ега бўлган тизимнинг амалиётидан фойдаланиш бу яхши ва ҳаттоки самарали ҳамдир , аммо юқорида таъкидлаганимдек чет мамлакатлар иқтисодиёти билан бизнинг иқтисодиётимиз орасида фарқ бор ва бу ўз навбатида молиявий ҳолатни баҳолашда ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

**АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” банкининг Марказий банк томонидан
ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг 2018 йил Февраль ойи
ҳолатида бажарилиши³⁷**

Норматив кўрсаткичлар	2018 йил Февраль	МБ томонидан ўрнатилган қиймати	Фарқи
Капитал етарлилиги коэффициенти	17,80 %	Мин 12,5 %	+ 5,3 %
I даражали капитал етарлилиги коэффициенти	15,59 %	Мин 9,5 %	+ 6,9 %
Леверадж	12,27 %	Мин 6 %	+ 6,27 %
Жорий ликвидлилик коэффициенти	64,97 %	Мин 30 %	+24,97 %
Ликвидлиликни қоплаш коэффициенти	157,32 %	Мин 100%	+57,32 %
Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти	89,86 %	Мин 100 %	- 10,14 %
Бир ёки гуруҳ қарздорларига ўрнатилган таъминланган қарзнинг максимал даражаси	23,60 %	Макс 25 %	-1,4 %
Бир ёки гуруҳ қарздорларига ўрнатилган таъминланмаган қарзнинг максимал даражаси	0,00%	Макс 5 %	-5 %
Барча йирик кредитлар учун рискнинг максимал даражаси	120,90 %	Макс 800 %	-679,1 %
Бир эмитентнинг қимматли қоғозига инвестиция қилишнинг максимал даражаси	8,73 %	Макс 15 %	-6,27 %
Олди-сотди қимматли қоғозларига қилган инвестицияларнинг максимал миқдори	0,02 %	Макс 25%	-24,98 %
Барча эмитентлар устав капитали ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялар максимал миқдори	8,75 %	Макс 50%	-41,25 %
Бир инсайдерга берилган кредитлар миқдори	10,75 %	Макс 25%	-14,25 %
Барча инсайдерларга банк томонидан берилган кредитларнинг жами миқдори	17,01 %	Макс 100 %	-82,99 %
Банк томонидан амалга ошириладиган лизинг операцияларининг максимал миқдори	20,58 %	Макс 25 %	-4,42 %

Юқоридаги 2.7 – жадвалда биз Asia Alliance банкининг 2018 йил февраль ойи ҳолатига қай даражада Марказий банк томонидан ўрнатилган

³⁷ “Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги чорақлик бюллетени №50 , 2018 йил,Февраль, маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

иқтисодий меъёрларни бажарганини кўришимиз мумкин. Деярли барча нормативлар банк томонидан керагидан ортиқ даражада бажарилган, фақатгина соф барқарор молиялаштириш коэффициентида ташқари. Ушбу меъёр минимум 100% ни ташкил этади, ваҳоланки банкимиз бу кўрсаткич бўйича 89,86% лик натижага эришган.

Тижорат банки капитал етарлилиги талабига тўлиқ жавоб беради, хаттоки белгиланган меъёрдан 5,3% кўпроқ кўрсаткичга эришган ва бу ижобий баҳоланиши мумкин. Мамлакатимизда банк тизимининг капиталлашувини ошириш бўйича кўплаб ислохотларнинг олиб борилаётгани бу каби натижаларни изохлаши мумкин.

Қуйидаги 2.3- расмда биз Asia Alliance банкининг 2014-2017- йиллар оралиғидаги муддат давомида капитал миқдорида қандай ўзгаришлар бўлганини кўриб чиқишимиз мумкин.



2.3 – расм. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ капитали динамикаси
(млрд. сум)³⁸

³⁸ www.aab.uz АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” банкининг 2014-2017 йиллар фаолияти бўйича ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги расмдан кўриб турганимиздек банкнинг капитали 3 йил ичида 101 млрд сумга ошган. Банк охириги 2 йилда режалаган капитал миқдориға эриша олмаган, бунга турли хил ташқи ва ички омиллар сабаб бўлиши мумкин. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашда капитал етарлилигига биринчи навбатда эътибор берилишига сабаб , капитал банкнинг “хавфсизлик ёстиқчаси”дир. Тижорат банки кутилмаган зарарли ҳолатларда , зарарларни айнан капитал ҳисобига тўлаб беради. Демак банкнинг капитали қанча кўп бўлса унинг бу каби хатарларга бўлган иммунитетини шунчалик юқоридир деб ҳисоблашимиз мумкин. Капитални оширишнинг ягона йўли бу банк фойдасини оширишдир. Демак капиталимизни ошириш учун биз кўпроқ арзон ресурс жалб қилиб, уни иложи борида самарали активларга йўналтиришимиз лозим. Кўриб турганимиздек, ушбу кўрсаткичларнинг барчаси бир-бирига узвий боғлиқдир.

Мисол учун: биз молиявий ҳолатни баҳолашда кўриб чиқадиган кўрсаткичлар, булар (капитал, активлар, даромад, ликвидлик ва рискларни бошқариш). Айтиб ўтганимиздек капитални ошириш учун фойдани оширишимиз керак. Фойдани ошириш учун еса даромадларни кўпайтиришимиз керак. Даромадлар бизнинг актив операцияларимиздан келиб тушадиган маржаларимиз ҳисобига шаклланади, демак даромадларни ошириш учун активларни кўпайтиришимиз керак. Активларнинг қайтиш ёки қайтмаслигини аниқлаш учун рискларни аниқлашимиз зарур. Ликвидлик еса бевосита активлар ва мажбуриятларнинг бир-бирига мутаносиб бошқарилиши орқали ушлаб турилади.

Кўриб турганимиздек тижорат банкида барча кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва уларнинг барчасини ўз меъёрида ушлаб туриш молиявий барқарорликни таъминлайди. Қуйидаги 2.4- расмда Asia Alliance банкининг активлари ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин. 2017 йилга келиб банкнинг активлар 2014 йилга нисбатан 238 млрд. сумга ошган. Бу албатта ижобий натижа ҳисобланади, чунки юқорида таъкидлаганимиздек

активларнинг ошиши бевосита даромаднинг ва ўз навбатида капиталнинг ҳам ҳажмини ошишига олиб келади.



2.4 – расм. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ активлари динамикаси (млрд.сум)³⁹

Шунга қарамасдан активларнинг миқдорининг кўплигини ўзигина бизга асл ҳолатни кўрсатиб бермайди. Чунки бу активларнинг ўзига хос таснифланиши бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам яхши актив булавермайди. Активларни сифатини таснифлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкаларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида ” ги низом мавжуд. Ушбу низомда активларнинг сифатини таснифланиши ва улар бўйича йўқотишларни қоплаш манбалари кўрсатиб берилган.

³⁹ www.aab.uz АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” банкининг 2014-2017 йиллар фаолияти бўйича ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.3. Тижорат банклари молиявий ҳолати таҳлили

Ҳар қандай жараённинг кейинги тақдири унинг ҳар томонлама чуқур таҳлил этилишига асосланади. Айниқса, молиявий жараёнларнинг такомиллашуви ва ривожланишини молиявий таҳлилсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Бозор иқтисодиёти даврида банклар иқтисодиётнинг қон томирлари ҳисобланар экан, улар фаолиятини тартибга солиш, мувофиқлаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Чунки банклар иқтисодиётда кредит муносабатлари ва ҳисоб-китобларда воситачи вазифасини бажарар экан, барча иқтисодий субъектларнинг барқарор фаолият юритиши банк тизимининг барқарорлиги билан чамбарчас равишда боғлиқ бўлиб қолади.

Замонавий иқтисодий шароитларда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Банк рискларининг ўсиб бориши молиявий барқарорликни сақлаб туриш муаммосини чуқурлаштириб, ҳозирги замон иқтисодиётининг енг долзарб назарий ва амалий жиҳатларига айланиб бормоқда.

Ушбу мавзу юзасидан кўплаб олимлар бош қотиришган, аммо уларнинг орасида тижорат банкларини молиявий аҳволини баҳолашда рискларни бошқариш тизими сифат даражасини баҳоловчи кўрсаткич кўриб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам қуйида биз айнан ушбу кўрсаткични таҳлил қиламиз.

Тижорат банкининг молиявий аҳволини баҳолашнинг кўплаб ҳорижий усуллари мавжуд, аммо бизнинг мамлакатимизда ўзимизнинг алоҳида бир усулимиз мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам солиштириш учун бизга бегона бўлмаган давлат Россия Федерацияси амалиётидан фойдаланамиз. Россия банк тизимида тижорат банкларининг молиявий ҳолати бизнинг тизимдаги каби Марказий банк томонидан белгиланган нормативлар ва шу билан бирга В.Кромонов моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланади.

Кромонов модели ўз ичига қуйидаги 6 та коэффициентни олади:

$$H = 45 \times K1 + 20 \times K2 + 10 \times K3 + 15 \times K4 + 5 \times K5 + 5 \times K6 \quad (2.1)$$

Бунда, H – банкнинг молиявий ҳолатининг умумий кўрсаткичи;

- K1 – ишончлилиқнинг бош коэффициенти;
- K2 – лахзали ликвидлилиқ коэффициенти;
- K3 – кросс-коэффициент;
- K4 – ликвидлилиқнинг бош коэффициенти;
- K5 – капиталнинг ҳимояланганлик коэффициенти;
- K6 – фойданинг фонд капиталлашуви коэффициенти.

Кромонов методикасига кўра $K1 = 1$, $K2 = 1$, $K3 = 3$, $K4 = 1$, $K5 = 1$, $K6=3$ бўлганда тижорат банкининг молиявий ҳолати юқори даражага ега бўлади. Бизнинг фикримизча ушбу моделнинг асосий методологик камчилиги бу активлар сифатини баҳолашга эътибор қаратилмаганидир.

Ушбу камчилиқнинг ечими И. Горячеканинг методикасидан ўз ечимини топган десак адашмаган бўламиз. Унинг методикаси бизга тўрт гуруҳга бўлинган 11 та иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида банкларининг молиявий ҳолатини интеграл коэффициентларни ҳисоблаш усулида аниқлашни таклиф этади. Ушбу тўрт гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. самарадорлик;
2. тўловга лаёқатлилиқ;
3. кредит портфели сифати;
4. динамика ва тузилма.

Юқоридаги иккита методологиянинг ҳам асосий камчилиги менинг фикримча баҳолаш ҳисобларида риск бошқарув тизимининг даражасини ҳисобга олинмаганидир.

Шунинг учун ҳам И. Горячеканинг методикасини асос сифатида олган ҳолда ўз ичига 15 та иқтисодий кўрсаткичларни олган ўзимизнинг тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолаш тизимимизни тузишга ҳаракат

киламиз. Бизнинг метод 15 та кўрсаткични олтига гуруҳга бўлиб олади, булар:

1. капитал етарлилиги;
2. активлар сифати;
3. рентабеллик;
4. ликвидлилиқ;
5. динамика;
6. рискларни бошқариш сифат даражаси.

Бизнинг методика CAMELS рейтинг тизимининг методикасига ўхшашлиги бор, аммо умуман бошқа усулда ҳисобланади ва биздаги 2 та кўрсаткич, яъни Динамика ва Рискларни бошқариш сифат даражаси кўрсаткичлари CAMELS тизимидан тубдан фарқ қилади.

“Капитал етарлилиги” гуруҳига учта кўрсаткич киради:

- (K1) тўловга қобилиятлилиқ кўрсаткичи, банкнинг мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қила олишини ифодалайди;
- (K2) капиталнинг жами активларга нисбатини ифодаловчи кўрсаткич, банкнинг актив операцияларни амалга ошириш учун зарур капитал ҳажмини ифодалайди;
- (K3) капиталнинг мажбуриятларга нисбатини ифодалайди, банкнинг омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур бўлган ўз маблағларини ифодалайди.

Иккинчи гуруҳ, “Активлар сифати” ўз ичига иккита кўрсаткичларни олади:

- (A1) кредит портфелини сифат кўрсаткичи , кредит операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича захираларни ташкил этиш даражаси;
- (A2) банк актив операцияларини амалга ошириш самарадорлиги кўрсаткичи, тижорат банкининг муддати ўтган кредитлари, шубҳали дебитор қарздорликлари ва бошқа шубҳали қўйилмалари қийматини акс еттиради.

Молиявий ҳолатни баҳолашнинг замонавий тизими⁴⁰

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритми	Гуруҳ кўрсаткичлар и кўпайтириш коэффициент и
1.Капитал етарлилиги	1.K1	Капитал/рискка тортилган активлар	0,20
	2.K2	Капитал/жами активлар	
	3.K3	Капитал/мажбуриятлар	
2.Активлар сифати	4.A1	Кредит операциялари бўйича резервлар/кредит портфели жами	0,20
	5.A2	Муаммоли активлар/соф активлар	
3.Рентабеллик	6.ROA	Фойда/активлар	0,15
	7.ROS	Фойда/харажатлар	
	8.ROE	Фойда/капитал	
4.Ликвидлилик	9.L1	Ликвид активлар/жорий мажбуриятлар	0,15
	10.L2	Ликвид активлар/жами активлар	
5.Динамика	11.D1	Депозит хажмининг ўзгариши/депозитлар	0,15
	12. D2	Муддати ўтган кредитлар хажмининг ўзгариши / муддати ўтган кредитлар	
6.Рискларни бошқариш сифати даражаси	13.P1	Молиявий рискларни бошқариш сифати даражаси	0,15
	14.P2	Операцион рискларни бошқариш сифати даражаси	
	15.P3	Фавкулотда рискларни бошқариш сифати даражаси	

Учинчи гуруҳ, “Рентабеллик” га қуйидаги кўрсаткичлар киради:

- (ROA) активлар рентабеллиги;
- (ROS) харажатлар рентабеллиги;
- (ROE) капитал рентабеллиги.

⁴⁰ Муаллиф томонидан тузилди

Тўртинчи гуруҳ, “Ликвидлилиқ” га қуйидаги кўрсаткичлар киради:

- (Л1) жорий ликвидлилиқ кўрсаткичи, тижорат банкнинг жорий мажбуриятларини юқори ликвид активлар ҳисобига ўз вақтида амалга оширишини ифодаловчи кўрсаткич;

- (Л2) активлар ликвидлилиги кўрсаткичи, бу кўрсаткич банкнинг активларини сотишгача бўлган ҳолатда қай даражагача балансни кичқартириш мумкин эканлигини кўрсатиб беради.

Бешинчи гуруҳ, “Динамика” га қуйидаги кўрсаткичлар киради:

- (Д1) депозитлар динамикаси;

- (Д2) кредит операциялари бўйича муддати ўтган мажбуриятлар динамикаси, банкнинг кредит портфелининг сифатини ёмонлашадиганидан хабар беради.

Олтинчи гуруҳ, “Рискларни бошқариш сифат даражаси” га қуйидаги кўрсаткичлар киради:

- (Р1) молиявий рискларни бошқариш сифат даражаси кўрсаткичи. Кредит рискларини (қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятини бажармаганлиги оқибатида режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик), бозор рискларини (валюта курси, процент ставкалари ёки қимматли қоғозлар ва бошқа активлар қийматининг ўзгариши ҳисобига режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик) ва ликвидлилиқ рискларини (активлар ва пасивлар ўртасидаги баланс мувозанатини йўқотиш натижасида режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик) бошқариш сифатини ифода этади;

- (Р2) операцион рискларни бошқариш сифати даражаси. Технологик рискларни (самарасиз информацион технологиялар ва маълумотларни қайта ишлаш жараёни туфайли режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик), ижрочи рискларни (профессиянал мажбуриятларни билмасдан ёки билиб бузилиши натижасида режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик), корпоратив рискларни (корпоратив бошқарувдаги хатолар (қизиқишлардаги келишмовчиликлар, бизнес жараёни аниқлашдаги хатолар, функционал

мажбуриятларни тақсимлаш ва хоказолар) сабабли режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик) ва инновацион рискларни (янги банк махсулотларини жорий етиш жараёнидаги хатолар сабабли режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик) бошқариш сифатини ифода этади;

- (P3) фавқулотда рискларни бошқариш сифати даражаси кўрсаткичи. Сиёсий рискларни (сиёсий аҳволнинг чигаллашуви натижасида режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик), юридик рискларни (амалдаги конунчилик ҳужжатларини ўзгариши натижасида режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик), стратегик рискларни (банкнинг атрофидаги бизнес муҳитга ўз вақтида жавоб бера олмаганлиги сабабли режадаги молиявий кўрсаткичларга еришолмаслик) ва ноқонуний йўллар билан еришилган пулларни ўтказиш рискларини (террорчиликни қўллаш ёки бошқа жиноий йўллар билан топилган пулларни ўтказишга аралашиб қолиши) бошқариш сифатини ифода этади.

Юқорида бизнинг баҳолаш тизимимизни ташкил етувчи 6 та гуруҳ кўрсаткичлари билан танишиб чиқдик. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича 2 та миқдорни ўрганишимиз керак бўлади, була: уларнинг **абсолют қиймати** ва **абсолют қиймат динамикаси**.

Капитал етарлилиги, Рентабеллик, Ликвидлилиқ,Активлар сифати ва Динамика гуруҳлари кўрсаткичлари бўйича абсолют қийматни аниқлашда қуйидаги босқичлардан ўтилади:

- банк тизими бўйича ушбу кўрсаткичларнинг меъёрий қийматлари аниқланади;

- аниқланган меъёрлар билан ҳисобланган абсолют қийматларимиз солиштирилади. Бунда белгиланган меъёр билан ҳақиқатда ҳисобланган қиймат ўртасидаги фарқ топилади, агар фарқ манфий бўлса (0 балл) , агар тенг бўлса (1 балл) ва мусбат бўлса (2 балл) билан баҳоланади.

Абсолют қийматнинг динамикасини аниқлашда ҳам ҳудди шундай ишлар бажарилади. Пасайиши (0 балл) , ўзгаришсизлик (1 балл) ва абсолют қийматнинг яхшиланиши (2 балл) билан баҳоланади.

Рискларни бошқариш сифати даражаси гуруҳи кўрсаткичларининг абсолют қийматлари ҳеч қандай ўртача кўрсаткичлар билан солиштириш орқали аниқланмайди, балки (1-илова) таърифлари асосида баҳоланади.

Агарда рискларни бошқариш сифат даражаси кўрсаткичларининг кўпчилиги яхши натижаларни кўрсатса, унда унинг қиймати 2 баллни ташкил қилади (1 балл агар кўпчилик кўрсаткичлар ўртача натижаларни кўрсатса, ва 0 балл агар қониқарсиз натижани кўрсатса). Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари бўйича абсолют қийматнинг динамикаси ҳам бошқа гуруҳ кўрсаткичларидаги каби баҳоланаверади.

Абсолют қиймат ва унинг динамикасини баҳолашга асосланган ҳолда қуйидаги 2.2-формула орқали банкнинг молиявий ҳолатинининг интеграл коэффициенти ҳисобланади:

$$W = \sum_{i=1}^6 S_i \quad (2.2)$$

бунда W – банк молиявий ҳолатининг интеграл коэффициенти;

S_i – гуруҳларнинг умумий балли баҳоси, у қуйидаги 2.3- формула орқали ҳисобланади:

$$S_i = M_i \times (SB_j + SZ_j) \quad (2.3)$$

бунда S_i – гуруҳларнинг умумий балли баҳоси;

i - гуруҳлар тартиб рақами ($i = 1 \dots 6$);

j – гуруҳ кўрсаткичлари тартиб рақами ($j = 1 \dots 15$);

M_i - гуруҳ кўрсаткичлари кўпайтириш коэффициенти;

SB_j – гуруҳ кўрсаткичларининг абсолют қийматини баллардаги баҳоси;

SZ_j – гуруҳ кўрсаткичларининг абсолют қиймати динамикасини баллардаги баҳоси.

Гуруҳларнинг кўрсаткичлар бўйича таснифланиши ва улрга белгиланган кўпайтириш коэффициентлари (2.8 – жадвал) да акс эттирилган.

Ҳисоблаб чиқилган интеграл коэффициент 0 ва 10 оралиғида бўлиши мумкин (қиймат қанчалик юқори бўлса банкнинг молиявий ҳолати ҳам шунчалик яхши ҳисобланади). Агарда интеграл коэффициент қиймати 0 – 3,5 оралиғида бўлса унда банкнинг молиявий ҳолатини барқарор емас деб баҳолаш мумкин, 3,6 – 7,0 интервал оралиғида бўлса муаммолар мавжуд эканлигини англатади, 7,1 – 10 оралиғидаги натижа еса тижорат банкни барқарор эканлигидан дарак беради. Буни қуйидаги 2.9 - жадвалда тўлиқ кўриб чиқишимиз мумкин:

2.9 – жадвал

Интеграл коэффициентнинг қиймати бўйича банк молиявий ҳолати⁴¹

Интеграл коэффициент қиймати	Банк молиявий ҳолати
0 – 3,5	Барқарор эмас: ноликвид баланс (қониқарсиз активлар ва пасивлар таркиби); салбий молиявий натижа; депозит ва бошқа молиявий ресурсларнинг чиқиб кетиши; нормативларга риоя этмаганлик ҳолатлари; молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари салбий динамикага ега; капиталлашув ва рискларни бошқаришнинг паст даражаси.
3,6 – 7,0	Муаммолар мавжуд: ликвид баланс (активлар ва пасивлар таркиби яхшига яқинроқ); фойда ҳажми банк тизимидаги ўртача фойда ҳажмига яқинроқ (ёки ошади); нормативларга риоя этилади; молиявий ҳисоботлардаги ижобий динамика кўрсаткичи пасайган; нисбатан барқарор ресурс база; етарли капиталлашув даражаси; етарлича риск бошқаруви тизими даражасига ега.
7,1 - 10	Барқарор: активлар ва пасивлар таркиби яхши; фойда ҳажми юқори (банк тизимидаги ўртача даражадан анча юқори); нормативларга риоя этилади; молиявий ҳисоботлар динамикаси ижобий; капиталлашув даражаси юқори; барқарор ва диверсификациялашган ресурс база; рискларни бошқариш тизими юқори даражада.

Кўриб турганимиздек интеграл коэффициент ёрдамида биз банкнинг молиявий ҳолати қандй эканлигини аниқлаб олишимиз мумкин. Бу метод орқали банкларнинг бошқа ўзига ўхшаш банклар билан солиштиришимиз ва уларни интеграл қиймати бўйича ўринларга ажратиб чиқишимиз ҳам мумкин. Интеграл қиймат қанчалик пасайаверса демак банкнинг молиявий ҳолати шунчалик ёмонлашаётган бўлади, Марказий банклар авваламбор 0 –

⁴¹ Муаллиф томонидан тузилди

3,5 оралиғидаги банкларга эътибор қаратишлари, уларнинг актив ва пасивлари, капитали ва умуман банк фаолиятини янада чуқур таҳлил қилиб банкнинг ҳолатини яхшилаш бўйича чораларни кўришлари зарур бўлади.

Энди ушбу методимиз ёрдамида АТБ “Асака банк” нинг молиявий ҳолатини баҳолаб кўрамиз.

2.10- жадвал

Молиявий ҳолатни баҳолашнинг янги ўзбек тизими ёрдамида

“Асакабанк” АТБ ни молиявий ҳолатини баҳолаш⁴²

Кўрсаткичлар	Асака банки кўрсаткичлари 2017 йил ҳолатига	Гуруҳ кўрсаткичлари кўпайтириш коэффициенти	S _i гуруҳларнинг умумий балли баҳоси
1.K1	15,24 %	0,20	0,8
2.K2	10,06 %		0,8
3.K3	11,14 %		0,8
4.A1	7,89 %	0,20	0,4
5.A2	0,61%		0,4
6.ROA	0,3 %	0,15	0,3
7.ROS	11,2 %		0,3
8.ROE	3,5 %		0,3
9.Л1	44,7 %	0,15	0,3
10.Л2	16,47 %		0,3
11.Д1	24, 67 %	0,15	0,6
12. Д2	15,14 %		0,6
13.P1	ўртача	0,15	0,3
14.P2	ўртача		0,3
15.P3	ўртача		0,3
(W) интеграл коэффициент	W = 6,8		

⁴² www.asakabank.uz АТБ “Асакабанк” банкининг 2016-2017 йиллар фаолияти бўйича ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқорида Асака банкини молиявий аҳволини таҳлил қилишимиз натижасида 6,8 қийматдаги интеграл коэффициентга еришдик. Бу бизда 2-шкалага тўғри келади ва биз банкда муаммолар мавжуд деб баҳолаймиз. Шунга қарамадан интеграл коэффициент қиймати чегаравий яъни 7 қийматига жуда яқин, бундан келиб чиққан ҳолда шунини айтишимиз мумкинки, Асака банкидаги муаммолар жуда ҳам кўрқинчли эмас ва уларни ечиш мумкин. Рискни бошқариш сифат даражаси ўртача баҳоланди ва ушбу кўрсаткичнинг пастлиги ҳам бевосита якуний натижага ўз таъсирини ўтказди. Демак ушбу кўрсаткичларни яхшиланиши банкни барқарор баҳоланишига олиб қилиши мумкин.

II боб бўйича хулоса

Иккинчи боб бўйича тижорат банклари молиявий ҳолати таҳлили ўрганилган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1.Тижорат банкларимизнинг асосий кўрсаткичлари тенденциясининг ўсиши, бу авваламбор Марказий банкнинг тижорат банкларига нисбатан талабларини ошиб бораётганини билдиради. Ўсиш тенденцияси жуда юқори кўрсаткичларни намоёни қилмоқда, 4 йиллик давр мобайнида тижорат банкларининг жами активлари 2013 йилга нисбатан 2017 йилда деярли 379 % га ошган, кредит портфели эса 417% лик ўсиш кўрсаткичини кўрсатмоқда. Энг сезиларли ўсиш бу тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмида кузатилган. 2013 йилда банklar ўз капитали 5,2 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу сумма 23,7 трлн. сўмни ташкил қилган.

2.Марказий банк томонидан тижорат банклари бажариши шарт бўлган иқтисодий нормативлар “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги қонуннинг 52-моддасида келтириб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- капиталнинг монандлик коэффиценти;

- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;
- ликвидлилик коэффициентлари;

- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантириш;

- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талаблар;

- очик валюта мавқеи лимитлари.

3. К1 нинг ҳозирда мамалакатимиз банк тизимидаги минимал қиймати 12,5% ни ташкил қилади, тижорат банкларимизнинг 2018 йил 1 чорак кўрсаткичи эса 19,55% ва бу минимал қийматдан 7% га кўпроқ. К2 яъни I даражали капиталнинг етарлилик кўрсаткичининг минимал қиймати 9,5% ни ташкил этади, банк тизимимиз эса бу кўрсаткич бўйича 2018 йилнинг 1 чорак ҳолатига кўра 17,89% лик натижани кўрсатган ва бу минимал қийматдан дейарли 8,5% га кўпроқ.

4. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили 2 та метод орқали амалга оширилади:

- таққослаш методи — бу маълум бир кўрсаткичларнинг ўзгаришини таққослаш орқали таҳлил қилиш методи;

- коэффициентлар методи — бу методдан турли хил гуруҳлар ёки кўрсаткичлар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни кўрсатиш учун фойдаланилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон банк фаолиятида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш билан боғлиқ бўлган муаммолар

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш банкларнинг барқарорлиги ва ишончлилигини тасдиқловчи, ҳамда келажакда банк учун тузатиб бўлмас йўқотишларни келтириб чиқарувчи хавфларни аниқлаш ва олдини олишни таъминловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг аниқлиги тижорат банкларининг келгусидаги фаолияти истикболларини белгилаб беради. Мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш методикаси Россия банклари методикасига яқинроқ ҳисобланади. Шу сабабли ҳам улар учраган муаммоларга бизнинг банклар ҳам учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Россиядаги кўплаб тижорат банклари молиявий бозордаги иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий ҳолатда ўзларининг молиявий ҳолатини тўғри баҳолай олмаганликлари сабабли инқирозга учрашди. Бу каби ҳолатлар бизнинг молия бозоримизда ҳам содир бўлмаслиги учун ҳозирданок молиявий ҳолатни баҳолаш ва унинг шаффофлигини таъминлашга бўлган ёндошувни тўғри йўлга қўйишимиз лозим.

Охирги пайтларда банк тизимининг ликвидлигини ошириш мақсадидаги молиявий ҳолатни масофавий таҳлил қилиш бўйича муаммолар актуал бўлиб келмоқда. Биламизки, банк назорати жойида назорат қилиш, банкда назорат қилиш ва ташқи назорат, яъни масофавий назоратларни ўз ичига олади. Ҳозирда, қўшимча халқаро стандартларга мос ҳисобот шаклларидаги маълумотларсиз масофавий таҳлил ишончсиз деб қаралмоқда. Чунки, ички ҳисоботларнинг сифатини таҳлил қилмасдан туриб, фақат баланс маълумотлари асосида ҳисобланган коэффициентлар асосидаги баҳолаш тизими катта хатоликларга олиб келиши мумкинлиги кўпчиликини

хавотирга солмоқда. Ушбу муаммонинг эҳтимолий ечимларидан бири бу мамлакатимиз амалиётида халқаро бухгалтерия ва ҳисобот стандартларини жорий этиш бўлиши мумкин.

Республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларини тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатаётганлигидир.

Бугунги кундаги мажбурий резервлар бўйича талаб ва меъёрлар пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланишга оид мақсад ва вазифаларга тўлақонли мос келмасдан, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, миллий валютадаги депозитлар жозибадорлигини ошириш ҳамда иқтисодиётдаги долларизация даражасини пасайтириш учун етарли шароит яратиб бера олмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларининг нисбатан юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан олиб қўйилаётганлиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда Марказий банкларнинг мажбурий захира ставкалари паст бўлиб, захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобварағида сақланади.

Тижорат банклари регулятив капитали таркибининг барқарорлигини таъминланмаганлиги бу борадаги долзарб муаммолардан яна бири ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, девальвация захираси республикамиз тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган. Ҳолбуки, Базель стандартига кўра, девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капиталининг таркибига киритиш умуман мумкин эмас.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати нисбатан юқори бўлган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда девальвация захирасини банкларнинг балансида катта миқдорда тўпланиши кузатилади. Бундай шароитда, девальвация захирасини тижорат банкларининг капитали таркибига киритиш уларнинг капиталлашиш даражасини сифат жиҳатдан ёмонлашишига олиб келади.

Девальвация захираси миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиши натижасида юзага келадиган маблағ бўлиб, барқарор моляилаштириш манбаи ҳисобланмайди. Шу сабабли, унинг регулятив капитал таркибидаги миқдорининг ортиши банкнинг молиявий барқарорлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Юқоридаги муаммо тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишдаги муаммолардан бири еди. Мамлакатимиз кредит ташкилотларининг баҳолаш методологиясида эътибор қаратилиши лозим бўлган қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

- таҳлил қилинаётган банк алоҳида молия институти сифатида қаралади, таҳлил қилинаётган банкнинг мамлакат молия тизимидаги “вазни” баҳоланмайди, банкнинг акциядорлари ва мижозларининг таъсири ҳисобга олинмайди. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг деярли ярмида давлат улуши мавжуд ва уларнинг салмоғи юқори. Демак банк тизимимиздаги кўплаб банклар давлат ҳимоясида ва улардан давлат ҳам манфаатдор. Бу банк тизимида эркин рақобат муҳитини яратиб бермайди ва асосан хусусий банклар бундан азият чекишади. Яна бир қизиқарли томони шундан иборатки давлат улуши бор банкларнинг активлари ва капитали ҳажми хусусий банкларга нисбатан одатда 10-15 баробар юқори бўлганига қарамадан уларнинг йиллик соф фойдаси бу даражада катта фарқ қилмаслигидир. Албатта бунга сабаб ҳам давлат банкларининг давлат манфаатлари йўлида арзон ва ўзи учун самарасиз бўлган банк операцияларини амалга оширишларидир. Демак бу икки турдаги банкларни

молиявий ҳолатини баҳолаш эканмиз тушунарсиш натижаларга гувоҳ бўламиз ва уларни бир бири билан таққослаш жуда қийин;

- тижорат банкларининг шароитларига бир хил меъёрга баҳо берилади, мисол учун : тижорат банкларининг маълум бир ҳудудга тегишлилиги жиҳатидан қараш, ҳаммамизга маълумки шаҳарларда ва айниқса пойтахт шаҳар яъни Тошкент шаҳридаги банклар салоҳияти борасида бошқа ҳудудлардаги банкларга нисбатан кучлироқ ҳисобланади. Бунга асосий сабаб мамлакатимиз молиявий маблағларининг деярли катта қисми Тошкент шаҳрида айланишидир;

- таҳлилнинг учта турли хил тарафдан олиб борилиши (Марказий банк, Банкнинг ички таҳлили ва рейтинг агентликларининг таҳлили), маълумотлар олиш имкониятининг турли туманлигини кўрсатиб беради ва бунинг натижасида тижорат банкларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдаги кўрсаткичларнинг учта таҳлил қилувчи тарафлар натижаларида фарқланиши юзага келади. Ушбу кўрсаткичларнинг номутаносиблиги муҳим омилларнинг нотўғри баҳоланишига олиб келади;

- банк тизимида шаффофликнинг мавжуд эмаслиги. Тан олиш керак мамлакатимиз банк тизими ҳозирги кунгача сирли бир тизими сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ваҳоланки халқаро амалиётда банк фаолиятида шаффофлик тамойили муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларга нафақат оддий фуқароларнинг балки кўплаб банк ходимларининг ўзида ҳам билиш имкони чегараланган. Тижорат банкларимиз ҳар йили чоп этадиган йиллик аудиторлик ҳисоботи еса банк фаолиятининг умумий фаолияти тўғрисидаги умумий маълумотларнигина беради ҳолос, унинг таркиби ва сифати ҳақида билиш муаммо ҳисобланади;

- тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва уни баҳолашга қўйилган талаблар бўйича аниқ бир меъёрий ҳужжат ёки низомнинг мавжуд эмаслиги. Диссертация ишини бажариш давомида мамлакатимиз банк тизимида молиявий ҳолатни баҳолаш усуллари ва уларни амалга ошириш тартиби

тўғрисида бирор бир аниқ тартиб қонидани ўзида мужассам этган ҳужжатни топа олмадим. Фақат Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг 52 моддасида банкларга нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативлар ва улар бўйича алоҳида низомлар мавжуд. Ушбу низомларни бирлаштирган ҳолда банклар молиявий ҳолатини баҳолаш юзасидан аниқ бир тартибни ишлаб чиқишса банкларни таҳлил қилиш анча осон бўлар еди;

- банк бошқарувининг сифат даражасини баҳолаш имкониятининг йўқлиги. Ушбу даражани баҳолаш учун маълум бир методика ҳали ишлаб чиқилмаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Америка Қўшма Штатлари банкларининг рейтинг агентлиги бўлган CAMELS да айнан ушбу кўрсаткич ҳисобланиб борилади ва унинг молиявий ҳолатини баҳолашдаги ўрни муҳим қилиб қўйилган;

- тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг ягона тизимининг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммоларга қарамасдан, хориж (европа) банк тизимлари амалиётидан фойдаланган ҳолда кредит ташкилотларида молиявий ҳолатни баҳолашнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш ва уни банк амалиётига жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Албатта юқоридаги муаммолар фақат бизнинг мамлакатда эмас, балки бошқа ривожланаётган мамлакатлар банк тизимида ҳам мавжуд. Аммо биз ўз олдимизга ривожланган мамлакат бўлиш мақсадини қўйган эканмиз, ушбу муаммоларни ҳал этиб банк тизимимизни ривожлантиришимиз асосий масала бўлиши лозим.

Ушбу муаммоларни ечиш йўлида авваламбор банк тизимидаги меъёрий ҳужжатларни халқаро андозаларга мос равишда ишлаб чиқишимиз ва уларнинг устидан мониторингни ташкил қилишимиз лозим. Аниқ тартиб ва тушунарли талаблар банклар фаолиятининг самарали бўлишидаги асосий омиллардан бири деб айтсак хато бўлмайди.

3.2. Ўзбекистон тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолашда хориж тажрибаларини қўллаш истикболлари

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида тижорат банкининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг мамлакатимиз ҳудудида яққол бир йўналишини кўриб чиқа олмадик. Бунга сабаблардан бири, бу банк тизимимиздаги маълумотларнинг ҳамон сирлигича сақланиши десам адашмаган бўламан. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида чет эл банк тизимида маълумотлар шаффофлиги асосий талаблардан бири ҳисобланади, чунки бирор бир банкни ҳаққоний баҳолаш учун у тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлади. Бизнинг банк тизимимизда еса ҳаттоки Марказий банк тижорат банкларни молиявий таҳлил қилиш методологиясини аниқ қилиб акс эттириб бермаган ва ҳаттоки ўзингиз хориж амалиётидан фойдаланган ҳолда мустақил банк молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилмоқчи бўлсангиз яна маълумотлар танқислиги муаммосига дуч келасиз.

Албатта, бу каби камчиликлар барча мамлакатлар тарихида бўлган бўлиши мумкин, аммо ахборот шаффофлигини таъминламас эканмиз банк тизимини ривожланишига эриша олмаймиз.

Банклар молиявий аҳволини баҳолаш методологиясига қайтадиган бўлсак, юқорида таъкидалаганимдек Марказий банк иқтисодий нормативлари ва “Ахбор рейтинг” агентлиги рейтинг баҳоларидан бошқа бир аниқ методологияни топа олмаймиз. Шунинг учун ҳам банкларимиз молиявий потенциалини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун хориж амалиётини ўзимизнинг банк тизимига мос келадиган тартибда қўллаш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашнинг янги методини жорий этар эканмиз ҳозирги кунда жаҳон амалиётида энг кенг қўлланиладиган тизимлардан бирининг тажрибасидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлар еди. Албатта, муболағасиз ҳозирги кунда тижорат банкларини баҳолашнинг энг самарали тизимларидан бири бу АҚШ Федерал

Захираси томонидан ишлаб чиқилган CAMELS тизимидир. Ушбу тизим банкларни 6 та кўрсаткич бўйича баҳолайди ва хулоса чиқаради.

CAMELS тизимидан фойдаланишнинг яна бир ижобий тарафи бу унда ҳозирда бизда эътиборсиз қолаётган баъзи жиҳатларни таҳлил қилиш имконинг мавжудлигидир. Бу жиҳатлар менеджмент ва рисклар бошқаруви сифатининг баҳоланишидир. Биламизки, банк фаолияти доимий рисклар билан боғлиқ ва уларнинг вақтида аниқ баҳоланмаслиги банк учун салбий оқибатларни олиб келиши мумкин. "...банклар бир қанча молиявий рискларга учраши мумкин. Cechetti va Schoenholtz (2011) ларнинг фикрига кўра бу молиявий рискларга қуйидагилар киради: омонотчиларнинг тўсатдан омонотларини йечиб олишлари (ликвидлик rischi), қарздорлар ўз қарзларини вақтида тўлашмаса (кредит rischi), фоиз ставкалари ўзгарса (фоиз ставка rischi), банк компьютер тизими ишдан чиқса ёки умуман банк биноси ёниб кетса (операцион риск)."⁴³. Шундай экан тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолашда рисклар бошқару сифатини баҳолаш муҳим ҳисобланади ва қуйида биз CAMELS тизимнинг мамлакатимиз банк тизимини баҳолашда ислоҳ этиш истиқболлари ва унинг афзалликларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида мамлакатимиздаги банк тизимининг ўрни катта. Банк тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири тижорат банклари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Банк тизимининг тижорат банклари фаолиятини ислоҳ этишда банк назоратини такомиллаштириб бориш, ҳисобот материалларини тузишда халқаро молиявий ҳисобот ва талаблари тамойилларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини назорат қилиш департаменти CAMELS рейтинг тизимида «Тижорат

⁴³ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2214845016301636> , The effects of liquidity risk and credit risk on bank stability: Evidence from the MENA region, Ameni Ghenimi, Hasna Chaibi, Mohamed Ali Brahim Omri, Borsa Istanbul Review, Volume 17, Issue 4, 2017, Pages 238-248,

банкларини назорат қилиш департаменти инспекция дастури»ни ишлаб чиққан.

Банк аудити компанияларини CAMELS асосида текширув олиб борилишига ихтисослаштирилишидан мақсад Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларига белгиланган меъёрий хужжатлари «Базель шартномаси» тавсиялари асосида ишлаб чиқилган ҳамда CAMELS тизими талабига жавоб беради.

Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат этишда жойида назорат қилиш анча самарали бўлиб, унда жаҳон тажрибасида ўз ўрнини топган ягона стандартлашган «CAMELS» тизимини қўлланилиши банкларнинг рақобатли фаолиятида уларнинг инқирозга тушиб қолишини олдини олади.

Республикамиздаги меъёрий хужжатлар асосини Базель шартномаси тавсияси ташкил этади. Шунинг учун банк капиталининг CAMELS тизими усулидаги ифодаси билан Республикамиздаги тижорат банкларини тартибга солувчи меъёрий хужжатлардаги банк капиталининг етарлилиги таркиби бир хил хусусиятга эга. CAMELS усулида банк капиталидаги кўрсаткичлар содда ҳамда хориждаги тижорат банклари капитал етарлилигининг таркибини аниқлашда ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этади.

Республикамизда қўлланилаётган CAMELS рейтинг тизими кейинги йилларда «S» қўшимчаси билан такомиллаштирилган. Мамлакатимиздаги келиб чиқарилаётган муаммоларини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун, CAMELS рейтинг тизимида қўшимча сифатида International - халқаро ва Internal – ички омиллари киритилиши лозим. Бунда:

International – яъни халқаро иқтисодиёт инфратузилмасида банк молиявий ҳолатини баҳолашни олиб боришида CAMELS рейтинг тизимини омили билан биргаликда балл белгиланиши керак. Бунга Базель ташкилоти томонидан таклиф этилаётган банк назорати йўриқномасини қабул қилиш мумкин.

Internal – ички, яъни Республикамизнинг ички банк тизими фаолиятдан келиб чиқиб тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолашни яратиш зарур. Бунинг учун эса, Ўзбекистон (ёки бошқа мамлакатлар) ўзининг ички имкониятидан келиб чиқиб тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолаш тартиб қоидаларини ишлаб чиқиши зарур.

Бунда CAMELS қуйидаги кўринишида бўлади.

Рейтинг баллини белгилашда 1 дан бешгача балл билан белгилансада биз таклиф этаётган омил учун 1 дан 100 гача бўлган рейтинг бали белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, мамлакатимиздаги тижорат банклари 28 та бўлса шунда қиёсий аниқликда тижорат банкнинг рейтинг балли яққол намоён бўлади.

Масалан Асака банки CAMELS рейтинги бўйича 2 балл олган бўлса, таклиф этилаётган омиллар тижорат банкларнинг ички ва ташқи тижорат банклари ўртасида нечанчи ўринда эканлигини белгилаб беради. Бизни мисолимиздаги омиллар ички – I – 8, ташқи – I – 10 ўринни белгилаб берувчи муҳим омиллардан бўлиб қолади.

Сўнги йилларда CAMELS рейтинг тизимини ривожлантириш борасида тижорат банкларининг молиявий ишончлилиги устидан мониторинг олиб борадиган янги Fims тизими яратилди. Ушбу тизимнинг мақсади – инспекцион текширувларгача бўлган давр оралиғида жорий ҳисоботларга асосланган ҳолда банкларда юзага келиши мумкин бўлган молиявий муаммоларни аниқлаш. Fims тизими ўз ичига бир бири тўлдириб боровчи иккита рейтинг кўрсаткичларини олади : Fims рейтинги ва Fims рисклар категорияси.

Fims рейтинг – бу рейтинг банкнинг жорий ҳолатини тугалланган чораклик молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришлари асосида баҳолайди. Ушбу рейтинг CAMEL методологиясидан фойдаланади ва у ҳам кўрсаткичларни 1 дан 5 гача бўлган баллар билан баҳолайди. Кўрсаткичлар сифатида активларга нисбатан ўз капитали, соф даромад, захиралар, ликвид активлар, асосий депозитлар, кредитлар ҳажми, дивидендлар ва бошқалар

коэффициентлари олинади. Шу билан бир қаторда ўтган даврда CAMEL рейтингининг умумий баҳоси ҳам ҳисобга олинади.

Firms рисклар категорияси – бу рейтинг банкни узоқ муддатлик истиқболини баҳоловчи рейтинг ҳисобланади. Унинг асосий мақсади икки йил ичида банкнинг инқирозга юз тутиш тутмаслик эҳтимолини баҳолашдир.

Firms рисклар категорияси ҳам Firms рейтинги фойдаланган кўрсаткичлардан фойдаланади, аммо фарқли томони бу кўрсаткичлар икки йил олдинги кўрсаткичлардир. Бу методика содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг истиқболдаги молиявий перспективаларини баҳолашга имкон яратади.

Firms рисклар категорияси фақатгина иккита баҳодан фойдаланади:

1. 0 – ноль (инқироз)
2. 1 – бир (ижобий баҳо)

CAMELS рейтинг тизими бошқа рейтинг тизмиларига нисбатан куйидаги афзалликларга эга:

- банк капитали етарлиги, активлар сифати, менежменти, даромадлилик ва ликвидлилик меъёрларини тўлиқ тавсифлаб, ундаги рейтинг баллари тушунарли рақамларда ифодаланган;

- ушбу тизимда банкларни гуруҳга ажратган ҳолда ўрганишнинг хусусиятлари мавжуд бўлиб, банк рақобат мезонини белгилашда муҳим аҳамиятга эга;

- Марказий банк тижорат банклари банкрот бўлишини олдини олишга маъсулдир. Бу талабни белгилашда CAMELS рейтинг тизими баллари ортиб бориши банкларга зудлик билан амалий ёрдам кўрсатиш учун прогноз вазифасини бажариш имконини беради;

- келажакда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини инспекция қилиш департаменти томонидан тижорат банкларини жойларда инспекциядан ўтказиш давомида ташқи аудит ҳисоботи материалларидан фойдаланиш лозим. Аудит ҳисоботида кўрсатилган камчиликларнинг асосланганлиги, ташқи аудит тавсияларининг тузатиш вақт

чегарасини, кутилаётган банк рисклари олдини олиш чора – тадбирлари бўйича тузилган режа доирасида инспекциядан ўтказилаётган банкнинг имкониятларини ўрганиши лозим;

- Марказий банк томонидан тижорат банкларини CAMELS рейтинг тизими асосида баҳолаш жараёнида S (Sensitivity to market risk) омилини қўшимча равишда жойларда баҳолашни ўтказиш амалиётини жорий этиш зарур;

- CAMELS рейтинг тизимининг учинчи омили яъни менеджмент омили банкларнинг бошқарув сифатини тўлиқ баҳолаш имкониятини яратади. Мамлакатимиз банк тизимида ҳам ушбу омилни баҳолашни йўлга қўйилиши банклар ривожланишига ёрдам беради ва уларнинг бошқарувдаги рискларини пасайишига олиб келади.

CAMELS тизими бўйича қуйидаги хулосалар , илмий таклиф ва амалий тавсияларни айтиб ўтиш мумкин: банкларни назорат қилишнинг CAMELS тизими жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, халқаро банк назорати амалиётини уйғунлашувига олиб келади. Хусусан , АҚШ, Япония, Россия Федерацияси , Ҳиндистон, Гонг-конг ва Ислон давлатлари марказий банклари тижорат банклар назоратини ушбу тизим асосида амалга ошириб келмоқда.

III боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш борасида қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилди.

1. Бугунги кундаги мажбурий резервлар бўйича талаб ва меъёрлар пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланишга оид мақсад ва вазифаларга тўлақонли мос келмасдан, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, миллий валютадаги депозитлар жозибадорлигини ошириш ҳамда иқтисодиётдаги долларизация даражасини пасайтириш учун етарли шароит яратиб бера олмаяпти.

2.Девальвация захираси республикамиз тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган. Ҳолбуки, Базель стандартига кўра, девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капиталининг таркибига киритиш умуман мумкин эмас.

3.Тижорат банкларининг шароитларига бир ҳил меъёрга баҳо берилади, мисол учун : тижорат банкларининг маълум бир ҳудудга тегишлилиги жиҳатидан қараш, ҳаммамизга маълумки шаҳарларда ва айниқса пойтахт шаҳар яъни Тошкент шаҳридаги банклар салоҳияти борасида бошқа ҳудудлардаги банкларга нисбатан кучлироқ ҳисобланади. Бунга асосий сабаб мамлакатимиз молиявий маблағларининг деярли катта қисми Тошкент шаҳрида айланишидир

4. CAMELS тизимидан фойдаланишнинг ижобий тарафи бу унда ҳозирда бизда эътиборсиз қолаётган баъзи жиҳатларни таҳлил қилиш имконинг мавжудлигидир. Бу жиҳатлар менеджмент ва рисклар бошқаруви сифатининг баҳоланишидир.

5. Республикамиздаги меъёрий ҳужжатлар асосини Базель шартномаси тавсияси ташкил этади. Шунинг учун банк капиталининг CAMELS тизими усулидаги ифодаси билан Республикамиздаги тижорат банкларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардаги банк капиталининг етарлилиги таркиби бир ҳил хусусиятга эга.

6. Firms рейтинг – бу рейтинг банкнинг жорий ҳолатини тугалланган чораклик молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришлари асосида баҳолайди. Ушбу рейтинг CAMEL методологиясидан фойдаланади ва у ҳам кўрсаткичларни 1 дан 5 гача бўлган баллар билан баҳолайди.

7. Firms рисклар категорияси – бу рейтинг банкни узоқ муддатлик истиқболини баҳоловчи рейтинг ҳисобланади. Унинг асосий мақсади икки йил ичида банкнинг инқирозга юз тутиш тутмаслик эҳтимолини баҳолашдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида банк иши мазмун-моҳияти ва ташкилий даражаси бўйича давлатнинг макроиқтисодий инфратузилмасида ислохотларини олиб боришида аниқ мақсадини белгилаб олишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда банк фаолиятининг барқарорлигини орттириш, банк тизимини соғломлаштириш учун банк молиявий кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш масалаларини ижобий ҳал этиш вазифаси белгиланади. Банк тизимининг жамиятдаги маъқеи унинг даромад кўрсаткичи натижалари билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун банкларнинг самарадорлик кўрсаткичларини мунтазам орттириб боришини таъминлаш, аввало, банк ходимлари масъулияти бўлса, қолаверса давлат, банк даромадини мунтазам ортиб боришини назорати билан бирга тижорат банкларнинг банк капитали, банк активлари сифати, миқдорлар олдида фавқулотдаги мажбуриятларини бажариш учун банк ликвидлилик кўрсаткичини белгиланган тартибда кузатиб боришини талаб этади. Шундагина банклар республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитидан келиб чиқиб, Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда ҳамда молиявий ҳолатни баҳолаш фаолиятини ривожлантириш юзасидан қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзбекистон тижорат банкларида молиявий ҳолатни баҳолаш ва таҳлил қилиш тижорат банклари корпоратив бошқаруви самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, тижорат банкларини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий асослари очиқ берилди.

2. Тижорат банкларида молиявий ҳолатни баҳолаш жараёнида молиявий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий кўрсаткичларнинг аниқлиги ва уларга объектив баҳо берилиши тижорат банкининг реал молиявий ҳолатига тўғри ва аниқ хулоса берилишини таъминлайди.

3.Таҳлилий амалларни амалга оширишда муҳим кўрсаткичлар гуруҳларини танлаш банкнинг молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим ҳисобланади. Чунки кўриб чиқган турли хил методларимизда кўрсаткичлар гуруҳлари бир биридан фарқ қилади. Мисол учун, Кромонов методиди банк бошқарув сифати кўрсаткичлар гуруҳи мавжуд емас, бу кўрсаткич CAMELS рейтинг тизимида мавжуд. Шунинг учун ҳам тижорат банкни молиявий ҳолатини таҳлил қилар эканмиз авваламбор бизга керакли бўлган кўрсаткичлар гуруҳларини аниқлаб олишимиз зарур.

4.Тижорат банкларини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш жараёнида турли хил методларда натижалар ҳам бир биридан фарқ қилиши мумкин. Бунга сабаб юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек уларнинг таҳлил соҳаларини фарқ қилиши ва улар қўллайдиган баҳолар шкаласининг ҳам бир биридан фарқланишидир.

5.Хориж баҳолаш тизимларининг мамлакатимиз банклари молиявий ҳолатини баҳолашда қўллаш жараёнида уларнинг иқтисодиёти ва бизнинг иқтисодиётимиз ўртасидаги фарқлар ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Мисол учун, Ўзбекистон Марказий банки тижорат банкларининг рентабеллигини ҳисоблаш жараёнида солиқгача бўлган фойда кўрсаткичидан фойдаланади. Хориж амалиётида еса ушбу молиявий кўрсаткични ҳисоблашда соф фойда кўрсаткичидан фойдаланади. Демак хориж рейтинг агентлиги ва бизнинг Марказий банк ҳисоблаган молиявий кўрсаткич бир биридан фарқ қилади.

6. Марказий банк тижорат банклари банкрот бўлишини олдини олишга маъсулдир. Бу талабни белгилашда CAMELS рейтинг тизими баллари ортиб бориши банкларга зудлик билан амалий ёрдам кўрсатиш учун прогноз вазифасини бажариш имконини беради

7. Firms рисклар категорияси – бу рейтинг банкни узоқ муддатлик истикболини баҳоловчи рейтинг ҳисобланади. Унинг асосий мақсади икки йил ичида банкнинг инқирозга юз тутиш тутмаслик эҳтимолини баҳолашдир.

Firms рисклар категорияси ҳам Firms рейтинги фойдаланган кўрсаткичлардан фойдаланади, аммо фарқли томони бу кўрсаткичлар икки йил олдинги кўрсаткичлардир. Бу методика содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг истикболдаги молиявий перспективаларини баҳолашга имкон яратади.

Келтириб ўтилган хулосалар асосида магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида тижорат банкларини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашни таъминлаш бўйича қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз банк тизимида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда ва шу сабабли банк тизимидаги қонунчиликларда турли хил ўзгаришларни гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу каби қонунчиликдаги ўзгартиришлар банк қонунчилигида кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлади ва ҳаттоки банк ходимларининг ўзлари ҳам қайси тушунча тўғрию қайси бири нотўғри эканлигига иккиланиб қолишади. Шунинг учун ҳам банк тизимига алоқадор барча меъёрий ҳужжатларни ескиларини муомаладан чиқариб, фаолиятдагиларини жамлаб битта катта китоб тарзида банк ходимлари учун қўлланма сифатида чиқарилса жуда яхши бўлар еди. Молиявий ҳолатни баҳолаш бўйича аниқ бир меъёрий ҳужжатнинг мавжуд емаслиги мени ушбу таклифни беришимга сабаби бўлди десам адашмаган бўламан.

2. Девальвация захирасини тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидан олиб ташлаб, уни банкларнинг даромади сифатида ҳисобга олиш ва захирани ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шакллантиришни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлик даражаси ошади, иккинчидан, Базель қўмитасининг

тижорат банклари регулятив капиталининг таркибини шакллантиришга қўйилган талабларини бажариш йўлида бир жиддий қадам қўйилади.

3. Тижорат банклари фаолиятига давлат аралашувини босқичма босқич камайтириб бориш. Банклар фаолиятига давлатнинг хаддан зиёда аралашуви банкларнинг молиявий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатиб келмоқда. Банк қарорларидан давлатнинг сиёсий ва ижтимоий жихатдан келиб чиқиб фойдаланиши банкнинг асосий, максимал фойда олиш принципини йўққа чиқармоқда.

4. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация рискига барҳам бериш лозим.

Трансакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

5. Тижорат банкларини молиявий ҳолатини баҳолашда риск бошқаруви сифат даражаси кўрсаткичини жорий этиш ва унга эътиборни кучайтириш. Ҳозирги пайтда тижорат банкларининг бошқарув ва риск бошқаруви сифат даражаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти, ваҳоланки чет мамлакатлари банк тизимида айнан икки шу кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши банклар молиявий аҳволи сифати ва самарадорлигининг ошишига, тижорат банкларида халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Шарқ, 2003 йил.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1999 йил 19 август.

1.3. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банк тўғрисида” ги Қонуни – 1995 йил 21 декабрь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни – 1996 йил 25 апрель.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5296-сонли Фармони.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида “ ги ПҚ-2344- сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 217-модда).

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва

уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 2344- сонли Қарори.

1.10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011- 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ–1438–сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48–сон, 442–модда).

1.11. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида” ги Низоми, 12/8 - сонли Қарорига илова.

1.12.Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 2693- сонли Қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида “ ги Низоми.

1.14.Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги “Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида “ ги низоми // Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Тошкент ш. 23/8-сон.

1.15.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида” ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 13-сон).

1.16.Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017 йил.

1.17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017

1.18. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

1.19. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

1.20. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралири”. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009 йил.

1.21. Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1-жилд. 1996 йил.

1.22. Каримов И.А. “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993 йил.

1.23. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. – Т.: Ўзбекистон. 1992 йил.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” йиллик ҳисобот маълумотлари.

2.2. АТБ “Асакабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари.

2.3. Ameni Ghenimi, Hasna Chaibi, Mohamed Ali Brahim Omri, “The effects of liquidity risk and credit risk on bank stability: Evidence from the MENA region” // Borsa Istanbul Review, Volume 17, Issue 4, 2017 year, Pages 238-248.

2.4. Абдуллаева Ш.З. “CAMELS-банк фаолиятини баҳолаш хизматида”.// Бозор, пул ва кредит журнали, 2005 йил 4-сон 49-бет.

2.5. Бобақулов Т.И. “Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашнинг долзарб масалалари”. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №1, 2018 йил, февраль.

2.6. Бердияров Б.Т. “Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги”. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002 йил. – 21- бет

2.7. Карабаев Н.А. “Тижорат банклари фаолиятини CAMELS рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш”.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, 2017 йил, октябрь.

2.8. Капитализация банков Ўзбекистана : факторы и условия роста .// Рынок, Деньги и Кредит. №2, 2007 йил. – 3-12 б.

2.9. Комисаров Г.П. “Тижорат банклар фаолиятини бошқариш”. //Вестник банковского дела №1. Россия. 2004 йил, январь 59-бет.

2.10.Лаврушин О.И. , “Управление деятельностью коммерческого банка”, (Банковский менеджмент), Москва, Юристъ, 2003 год.

2.11.Маҳмудалиева Ё.А. “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш”, . и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2001 йил. – 23- бет.

2.12.Mohammad Dulal Miah, Helal Uddin “Efficiency and stability: A comparative study between islamic and conventional banks in GCC countries”// Future Business Journal, Volume 3, Issue 2,2017 year, Pages 172-185.

2.13.Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. – 27-б.

2.14.Қоралиев Ш.Т. “Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш”. // Бозор,пул ва кредит. №2. 2003 йил. -13-14- бет.

2.15.Рейтинговое агентство “Ahbor-reyting” аналитический обзор банковского сектора. Банковский сектор. №50 Февраль 2018 год.

2.16.Саттаров О.Б. “Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш” .И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2008 йил.

2.17.“Устойчивость банковской системы и развития банковской политики”. Монография. Под ред. Проф О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016 год. – С. 131-140

2.18.Холмахмадов З.А. “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари”// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №1, февраль, 2018 йил.

2.19.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. USAID – CAMELS тизими бўйича маълумот. // 1998 йил декабрь, 8-б

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1.Абдуллаева Ш.З. “Банк иши ”. Тошкент. “Иқтисод-Молия” 2017 йил.

3.2.Абдуллаева Ш.З. Омонов А. “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш” IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2006 йил.

3.3.Буздалин А.В. “Факторы оптимальной ликвидности” // Банковское дело. - №3. 2006 год –С - 39.

3.4.Ефимова О.В. “Как анализировать финансовое положение предприятия” : Приктическое пособие. – М: Экономика, 2010 год.

3.5.Эрматов М.К. “Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари” . Иқтисод-молия 2005 йил.

3.6. Фетисов Г.Г. “Устойчивость коммерческого банка и рейтинговые системы ее оценки”. – М.: Финансы и статистика, 2009 год.

3.7.Лаврушин О.И., Фетисов Г.Г. и др. “Банковское дело”. - М:- Кнорус, 2018 йил. - С. 800.

3.8.Ларионова И.В. “Управление активами и пассивами в коммерческом банке”. – М.: Издательство Консалтбанкпир, 2003. –С.46-49

3.9. Мишкин Ф.С. “Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов”. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.

3.10.Омонов А.А ,Қоралиев Т.М. “Пул ва банклар” Тошкент. “Иқтисод-Молия” 2018 йил.

3.11.Панова Г.С. “Анализ финансового состояния коммерческого банка”. – М.: Дело и Сервис, 2006 год.

3.12. Павлов В.В. “Исламские банки в исламском финансовом праве”. - М.: Анкил, 2003 год, 114 б.

3.13.Қоралиев Т.М. , Саттаров О.Б. ва Сайфиддинов И.Ф. “Тижорат банклари фаолияти таҳлили ” ўқув қўлланма. IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2013 йил.

3.14.Рахимова Д.Н., ва бошқалар. “Менежмент” (ўқув қўлланма) -Т.: Академия, 2003 йил, 100 б.

3.15. Синки Дж.Ф. “Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг” пер. с англ. Отдельное издание, 2017 год .- С.1018

3.16. Трифонов А.Н. “Банк ликвидлиги” // Банковское дело, 2006 йил.

3.17. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. “Экономический анализ деятельности коммерческого банка” : учебное пособие. – М.: Магистр, 2007 год.

3.18. Черкасов В.Е. “Финансовый анализ в коммерческом банке”. М., 2005 год . С. 320

3.19. Интернет сайтлари.

- <https://www.asakabank.uz> (АТБ “Асакабанк” веб-сайти)
- <https://www.aab.uz> (АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” веб-сайти)
- <https://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- <http://www.sciencedirect.com> (ScienceDirect халқаро маълумотлар базаси)
- <https://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
- <https://www.ahbor-reyting.uz> (Ахбор Рейтинг агентлиги веб-сайти)
- <https://www.wikipedia.org> (Маълумотлар базаси сайти)
- <https://www.imf.org> (Халқаро Валюта Фонди веб – сайти)
- <https://www.interfinance.uz> (Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали)

ИЛОВАЛАР

1–илова

Рискларни бошқариш сифат даражасини аниқлаш⁴⁴

Яхши	Ўртача	Қониқарсиз
Молиявий рискларни бошқариш сифат даражаси (P1)		
Банкнинг ички норматив базаси талабга жавоб беради ва молиявий рискларни бошқариш талабларини самарали аниқлаб беради	Молиявий рискларни бошқариш талабларини ишлаб чиқиш бўйича банк ички норматив базаси етарлича. Баъзи кичик камчиликлари бўлиши мумкин	Молиявий рискларни бошқариш талабларини ишлаб чиқиш бўйича банк ички норматив базаси етарлича емас
Рискларни қабул қилиш бўйича қарорларни рискларни бошқариш бўйича профессионал тажрибага ега бўлган шахслар қабул қилади	Рискларни қабул қилиш маъсулияти умуман олганда банк ишчилари тажрибасига мос келади	Рисклар етарлича тажрибага ега бўлмаган ишчилар томонидан қабул қилинади
Молиявий рисклар бўйича бошқарув ҳисоботлари ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли	Молиявий рисклар бўйича бошқарув ҳисоботлари умуман олганда ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли	Молиявий рискларни бошқаришнинг ахборот тизими сезиларли камчиликларга ега
Молиявий рискларни қоплашга йўналтирилган захираларни ҳисоблаш методологияси яхши	Молиявий рискларни қоплашга йўналтирилган захираларни ҳисоблаш методологияси етарлича	Молиявий рискларни қоплашга йўналтирилган захираларни ҳисоблаш методологияси сезиларли камчиликларга ега
Рисклар чегараларини мониторинг қилиш функцияси банк рискларини қабул қилиш қарорлари билан шуғуллануви шахсалардан мустақил	Баъзи ҳолларда рисклар чегараларини мониторинг қилиш функциясига, ишчиларнинг ишларига аралашувлар бўлиб туради	Рисклар чегараларини мониторинг қилиш функцияси банк рискларини қабул қилиш қарорлари билан шуғуллануви шахсалар қўлида
Операцион рискларни бошқариш сифати даражаси (P2)		
Ахборот технологиялари ва етарли ресурс базаси билан таъминланиш бўйича стратегия ва қоидалар тўлиқ бажарилади	Ахборот технологиялари ва етарли ресурс базаси билан таъминланиш бўйича стратегия ва қоидалар умуман олганда бажарилади	Ахборот технологиялари ва етарли ресурс базаси билан таъминланиш бўйича стратегия ва қоидалар бажарилмайди

⁴⁴ Муаллиф томонидан тузилди

Операцион носозликдан сўнг маълумотларни тиклай олмаслик еҳтимоли жуда паст	Ишончли бошқарув воситалари ёрдамида банк операцион носозликдан сўнг маълумотларни тиклай олади	Самарали ички бошқарув воситаларининг мавжуд емаслиги сабабли маълумотларни тиклаш еҳтимоли паст
Банкнинг операцион бошқаруви даражаси юқори. Ички назорат тизими, аудит ва инқироз еҳтимоли ҳолатига тайёрланган режалар самарали	Банкнинг операцион бошқаруви даражаси етарлича. Ички назорат тизими, аудит ва инқироз еҳтимоли ҳолатига тайёрланган режалар кичик камчиликларга ега	Банкнинг операцион бошқаруви даражаси етарлича емас. Ички назорат тизими, аудит ва инқироз еҳтимоли ҳолатига тайёрланган режалар сезиларли камчиликларга ега
Операцион рискларни бошқариш амалиёти замонавий бошқарув стандартлари сифатига мос келади	Операцион рискларни бошқариш амалиёти замонавий бошқарув стандартлари сифатига умуман олганда мос келади	Операцион рискларни бошқариш амалиёти замонавий бошқарув стандартлари сифатига мос келмайди
Фавқулотда рискларни бошқариш сифати даражаси (Р3)		
Банк раҳбарияти ташқи муҳитдаги ўзгаришларни самарали таҳлил қилади ва ўз вақтида жавоб қайтаради	Банк раҳбарияти ташқи муҳитдаги ўзгаришларга умуман олганда етарлича жавоб қайтаради	Банк раҳбарияти ташқи муҳитдаги ўзгаришларни кузатмайди ёки уларга етарлича эътибор қаратмайди
Банк раҳбарияти фавқулотда рисклар жиҳатларини тўлиқ тушунишади	Банк раҳбарияти фавқулотда рискларнинг асосий жиҳатларини етарлича тушунишади	Банк раҳбарияти фавқулотда рисклар жиҳатларини тушунмайди ёки уларга эътибор бермайди
Инқироз ҳолатига тайёрланган режалар самарали	Инқироз ҳолатига тайёрланган режалар тўлиқ емас ва тўлдирилиши керак	Инқироз ҳолатига тайёрланган режалар мавжуд емас